

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№I/2022(160) 1995 йилдан чиқа бошлаган

## БЮЛЛЕТЕНЬ

### Верховного суда Республики Узбекистан

#### **БОШ МУҲАРРИР:**

Шодикул ҲАМРОЕВ

#### **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Козимджан КАМИЛОВ

Робахон МАХМУДОВА

Халилилло ТУРАХУЖАЕВ

Икрам МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Холмўмин ёДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигига  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий  
аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2004 йил  
17 декабрдаги 110/4-сонли  
қарорига асосан ҳуқуқий,  
илмий-амалий журнал  
ваколати берилган.

Босишга 12.02.2022 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muhammarr nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 5340 нусха.  
Буюртма № 135.

#### **МУНДАРИЖА**

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори  
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари  
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи  
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд  
амалиёти обзори тўғрисида
5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари  
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи  
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд  
амалиёти обзори
19. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори  
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари  
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи  
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд  
амалиёти обзори тўғрисида
22. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари  
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи  
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд  
амалиёти обзори
29. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори  
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурӣ ишлар  
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи  
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд  
амалиёти обзори тўғрисида
31. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурӣ ишлар  
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи  
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд  
амалиёти обзори
40. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори  
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар  
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи  
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд  
амалиёти обзори тўғрисида
43. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар  
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи  
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд  
амалиёти обзори



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

2022 йил 28 январь

№ РС-07-22

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича  
судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация  
тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-хукуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимиияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини тъминлаш мақсадида Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2021 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқда-ки, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2021 йил давомида жами 14 467 (10 778) та (апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган.

Шикоят (ариза)ларнинг 13 251 (10 490) таси ёки 91,6 (97,3) фоизи ўрганиб чиқилган, 9 554 (1 423) таси ёки 72,1 (13,6) фоизи эса, судлов ҳайъатига ўтказилган, 3 051 (8 688) таси ёки 23,0 (82,8) фоизи ни судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган,

646 (379) таси ёки 4,9 (3,6) фоизи қайта-рилган, 1 216 (287) таси ёки 8,4 (2,7) фоизи ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан биринчи, апелляция, кассация ва тақроран кассация инстанцияси судида 7 465 (1 216) та жиноят иши, шундан 2 таси биринчи инстанцияда, 367 таси апелляция инстанциясида, 7004 таси кассация инстанциясида кўрилган бўлса, 92 таси тақроран кассация инстанцияси судида кўриб та-момланган.

Мазкур кўрсаткичлар судлар фаолиятида "Бир суд — бир инстанция" тамойили асосида иш юритиш тартиби жорий этилгандан сўнг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқилиши ортганлиги (1 216 тадан 7 465 тага ёки 6 бараварга), шу жумладан, шикоят (ариза, мурожаат ҳамда про-тест)ларнинг жиноят иши ҳужжатлари асосида синчковлик билан, тўлиқ ва ҳар то-монлама ўрганиб чиқиш кўрсаткичлари кескин кўпайганлигини кўрсатмоқда.

Ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кассация тартибида жами 7 560 нафар шахсга нисбатан 7 004 та жиноят иши кўрилган бўлиб, шундан 5 503 нафар шахсга нисбатан 5 087 таси ёки 76,9 фоизи туман, шаҳар судлари томонидан мазмунан кўриб чиқилган ишлар бўлса, 1 671 нафар шахсга нисбатан 1 531 таси ёки 23,1 фоизи вилоятлар ва уларга тенг-лаштирилган судлар томонидан кўрилган ишлар ҳисобланади.

Кассация тартибида кўрилган ишларнинг 4 809 нафар шахсга нисбатан (63,6 фоизи) ўзгаришсиз қолдирилган, 81 нафар шахсга нисбатан (1,1 фоизи) бекор қилинган, 1 493 нафар шахсга нисбатан (19,7 фоизи) юқори инстанция судининг қарори бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган, 1 154 нафар шахсга нисбатан (15,3 фоиз) суд қарорлари ўзгартирилган, 12 нафар шахсга нисбатан (0,2 фоиз) суд қарорлари қонунга мувофиқлаштирилиб ўзгартирилган, 11 нафар шахсга нисбатан (0,1 фоиз) суд қарорлари моддий зарар қопланганлиги сабабли ўзгартирилган.

Судлов ҳайъатига ишни такроран кассация тартибида кўриб чиқилиши юзасидан жами 92 та, шу жумладан, Олий суд томонидан 76 та, Баш прокуратура томонидан 12 та, шунингдек, ҳарбий ишлар бўйича 4 та протест киритилган.

Мазкур протестлар асосида жами 114 нафар шахсга нисбатан 92 та жиноят иши такроран кассация тартибида кўриб чиқилган бўлиб, 82 нафар шахсга нисбатан 63 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 22 нафар шахсга нисбатан 20 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 3 нафар шахсга нисбатан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 3 нафар шахсга нисбатан 3 та иш бўйича суд қарорлари қонунга мувофиқлаштирилиб ўзгартирилган.

Ишларнинг биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда:

Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида белгиланган иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холи-сона текшириб чиқилиши;

Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддаси биринчи қисмида белгиланган айлов ҳуқми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандидаги (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айлов ҳуқмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмасдан, тарафларнинг судда келтирилган важларини тўлиқ текширилмаганлиги, жазо тайинлашда Жиноят кодексининг умумий қисми талабларини бузганлиги ҳамда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шах-

шиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига;

Жиноят-процессуал кодексининг 509<sup>8</sup>-моддаси учинчи қисмидаги кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги ҳақидаги қонун талабларига;

шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳуқми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниклаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра, чекланиш, ҳуқмни қонуний эмас деб топишга асос бўлиши, 7-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айлов ёки оқлов ҳуқми чиқариши мумкинлиги, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида назарда тутилган айблизлик презумпцияси принципи ҳуқм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айлов ҳуқми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандидаги (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айлов ҳуқмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмасдан, тарафларнинг судда келтирилган важларини тўлиқ текширилмаганлиги, жазо тайинлашда Жиноят кодексининг умумий қисми талабларини бузганлиги ҳамда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шах-

си, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эътибор қартилмаганлиги, жиноятни малакалашда нотўри хуросага келинганилиги кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

Кассация инстанцияси судида қўйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир суднинг ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фолияти аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилиши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нор-

малари тўғри қўлланилиши, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари химоя қилиниши, қонун устуворлиги, қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятларнинг олди олиниши, айб учун жазонинг муқарарлиги, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Аҳбортономаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий аҳборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Аҳборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва аҳборот хавфлизигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Аҳбортономаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати (Н.Мирзаалимов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

ушбу суд амалиёти обзорини ва аввалги йиллардаги суд амалиёти обзорлари-

ни китобча шаклида чоп этиб, вилоятлар, туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларнинг ҳар бир судъясига реестр орқали етказилишини ҳамда суд амалиёти обзорини ўрганиш ва амалиётда фойдаланиш санарадорлигини ошириш юзасидан амалий чоралар кўрилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил февраль ойида** видеоконференцалоқа режимида интерфаол семинар машғулотини ўtkазиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил аҳборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2022 йил 1 марта қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси И.Муслимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Олий суд Раёсатининг 2022 йил 28 январдаги  
РС-07-22-сонли қарорига ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан

### 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

## О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судхукуқ тизимини янада та-комиллаштириш ва судхокимияти органлариiga ишончни ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорлари-ни тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2021 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шунни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг жиноят ишлари

бўйича судлов ҳайъатига 2021 йил давомида жами 14 467 (10 778) та (апелляция, кассация ва такрорран кассация тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган бўлиб, 13 251 (10 490) таси ёки 91,6 (97,3) фоизи ўрганиб чиқилган, 1 216 (287) таси ёки 8,4 (2,7) фоизи ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кассация тартибида жами 7 560 нафар шахсга нисбатан 7 004 та жиноят иши кўрилган бўлиб, шундан 5 503 нафар шахсга нисбатан 5 087 таси ёки 76,9 фоизи туман, шаҳар судлари томонидан мазмунан кўриб чиқилган ишлар бўлса, 1 671 нафар шахсга нисбатан 1 531 таси ёки 23,1 фоизи вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларда кўрилган ишлар ҳисобланади.

Кассация тартибида кўрилган ишларнинг 4 809 нафар шахсга нисбатан (63,6 фоизи) ўзгаришсиз қолдирилган, 81 нафар шахсга нисбатан (1,1 фоизи) бекор қилинган, 1 493 нафар шахсга нисбатан (19,7 фоизи) юқори инстанция судининг қарори

бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган, 1 154 нафар шахсга нисбатан (15,3 фоиз) суд қарорлари ўзгаририлган, 12 нафар шахсга нисбатан (0,2 фоиз) суд қарорлари қонунга мувофиқлаштирилиб ўзгаририлган, 11 нафар шахсга нисбатан (0,1 фоиз) суд қарорлари моддий зарар қопланганлиги сабабли ўзгаририлган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳукуқ нормаларини қўллашда:

Жиноят-процессуал кодексининг (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) 22-моддасида белгиланган иш бўйича исботланниши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши;

ЖПКнинг 463-моддаси биринчи қисмида белгиланган айблок ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишдаги айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чи-

карилиши, айлов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материаларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йифилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига;

ЖПКнинг 509<sup>8</sup>-моддаси учинчи қисмида белгиланган кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги ҳақидаги қонун талабларига;

шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий

ҳолатни аниқлаш тўғрисидағи жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, ҳукмни қонуний эмас деб топишга асос бўлиши, 7-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айлов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида назарда тутилган айбиззлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айлов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандидаги (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айлов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қи-

линган айловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмасдан, тарафларнинг судда келтирилган важларини тўлиқ текширилмаганлиги, жазо тайинлашда Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) умумий қисми талабларини бузганлиги ҳамда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилек даражаси, айборнинг шахси, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эътибор қаратилмаганлиги, жиноятни малакалашда нотўғри хулосага келинганлиги кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

## I. Суд қарорларининг бекор қилиниши

### **1. Ҳукмда баён қилинган суд хулосаларининг ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши сифатида эътироф этилиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Ўртачирчиқ тумани судининг 2020 йил 10 июлдаги ҳукмига кўра, X.X.га Жиноят кодексининг 25, 169-моддаси учинчи қисми "а" банди билан 5 йил, 104-моддаси биринчи қисми

билан 3 йил, 59, 60, 61-моддалари тартибида 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция

инстанциясининг 2021 йил 1 июнданги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, X.X. ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида,

2020 йил 12 апрель куни соат тахминан 23:30ларда Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, "Наврӯз" маҳаласи, Адолат 1-тор кўчаси, 19-уйга дераза орқали ғайриқонуний равишда кириб, меҳмонхонадаги жавонларни очиб, моддий қимматликларни қидираётган вақтида, хонадон эгаси З.А. сезиб қолади. Шунда X.X. қўллари билан З.А.нинг бош қисмига уриб, оёқлари билан тепади ва З.А.нинг турмуш ўртоғи М.А.га токчада турган қайчи билан тан жароҳати етказади. Сўнгра жиноят мақсадини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра охирига етказа олмасдан ҳодиса жойидан яширган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2020 йил 13 апрелдаги 341-С-сонли хulosасига кўра, М.А. "соғлиқни қисқа вақтга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати" олганлиги;

Судга оид тиббий экспертизасининг 2020 йил 14 апрелдаги 345-С-сонли хulosасига кўра, З.А. "соғлиқни учдан биридан кўпроғини турғун йўқолишига олиб келган оғир" тан жароҳати олганлиги;

Судга оид дактилоскопик экспертизасининг 2020 йил 17 апрелдаги 1/251-сонли хulosасига кўра, Нурафшон шаҳри, Адолат 1-тор кўчаси, 19-уйни кўздан кечиришда ашёвий далил тариқасида скоч қирқимига олинган бармоқ излари X.X.нинг дакто-харитасидаги ўнг қўйл бош бармоқ изидан

қолганлиги аниқланган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқладиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 24-сонли қарори биринчи бандининг учинчи хатбошисида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас (яроқсиз) деб топилишига олиб келиши, 4-бандининг иккинчи хатбошисида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуслар қўлланилганлиги тўғрисида мурожаат келиб тушган ҳолда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд арз қилувчининг важларини хизмат текшируви ва судтиббий ёки бошқа экспертиза тайинлаш йўли билан текшириши шартлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Бироқ суд қайд этилган қонун ва Пленум қарори талабларига риоя этмаган.

Хусусан, X.X. суд мажлисидаги кўрсатмаси ва апелляция шикоятида, дастлабки суриштирув жараёнида ички ишлар органи ходимлари томонидан унга нисбатан айбга иқрорлик кўрсатмасини беришни талаб қилиб, руҳий ва жисмоний куч ишлатиб, бошига цеплофан кийдириб қийноққа согланини қайд этган бўлса-да, бироқ суд ушбу ҳолатларга аниқлик киритиши мақсадида хизмат текшируви тайинламаган, қийноқ юз берган бўлса, у ҳолда X.X.гатан жароҳати етказилганлигига ойдинлик киритиш юзасидан судга оид тиббий экспертиза тайинлаш чораларини кўрмаган.

Жиноят иши апелляция инстанцияси судида кўрилишида ҳам ушбу ҳолатлар эътибордан четда қолган.

Бундай ҳолда апелляция инстанциясининг ажрими ни қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 4 октябрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг X.X.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Мазкур иш ҳозирда Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида кўриб чиқилмоқда.

## **2. Ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши жиноят процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши ҳисобланиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Когон тумани судининг 2017 йил 1 мартдаги ҳукмiga кўра, С.А. Жиноят кодексининг 186-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 1-қисми ва 140-моддаси 3-қисмida назарда тутилган жиноятларни содир этишда айбли деб топилиб, Жиноят кодексининг 57-моддаси кўлланиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида — 3 256 000 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 18 сентябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, С.А. Жиноят кодексининг 186-моддаси 1-қисми ва 168-моддаси 1-қисми билан ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаганилиги сабабли ишнинг мазкур қисми бўйича Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан оқланган.

Шунингдек, С.А. Жиноят кодексининг 140-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли Жиноят процессуал кодексининг 463-моддаси 3-қисми 2-бандига асосан жазодан озод қилинган.

Жиноят ишининг мазкур ҳукм билан судланган М.Н. га оид қисми муҳокама қилинмаган.

Суднинг ҳукмiga кўра, 2014 йил 13 октябрь Бухоро

шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан С.А.нинг "SURAYYO-BONU" шахсий савдо ишлаб чиқариш фирмасига қарашли савдо дўконида ўтказилган қисқа муддатли текширишда тегишли кирим ҳужжатлари ва сифат сертификати бўлмаган, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соглиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган 63 турдаги жами 617 740 сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларни ўтказиш мақсадини кўзлаб сақлаб келиб, муомалага киритганилиги аниқланган.

Шунингдек, С.А. 2015 йил 15 май куни Н.Г.га суд томонидан ўзига нисбатан жарима жазоси тайинланганлиги, ушбу жаримани тўламаса, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланиши мумкинлигини билдириб, бир ой ичида қайтариб беришни ваъда қилган ҳолда, Н.Г.нинг АТБ "Агробанк" Бухоро вилояти бошқармаси ҳудудий филиалидаги 12 131 450 сўм миқдордаги омонат пулини, ўзи раҳбарлик қилиб келган "SURAYYO-BONU" ҳусусий корхонасининг АТИБ "Ипотекабанк" Бухоро вилояти филиалидаги ҳисоб рақамига кўчиришга муваффақ бўлган. Аммо кейинчалик ушбу маблагни қайтариб бермаган.

Бундан ташқари С.А. 2016 йил 18 август куни Бухоро шаҳар ИИБ ТБ бўлинма бошлиғи Н.Б.нинг хизмат

хонасида ўзига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича жиноят ишидаги материаллар билан танишиб чиқиш жараёнида Н.Б.нинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлаб, ножӯя сўзлар билан ҳақорат қилган ҳамда 13-сонли хизмат хонасининг эшигини уриб, тепиб синдириб, шовқин кўтариб, ножӯя сўзлар билан баланд овозда Н.Б.ни такрор ва такрор ҳақоратлаган, ўзининг беодоб ҳаракатларини давом эттириб, ИИБ биносидан чиқиб кетган.

Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўриб чиқиш жараёнида процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилишига йўл кўйилган.

Хусусан, Жиноят процессуал кодексининг 51-моддасида апелляция инстанцияси суди томонидан кўриладиган ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Гумон қилинувчи ва айбланувчани ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 17-сонли қарори 13-бандида қонунга мувофиқ иш бўйича Жиноят процессуал кодексининг 51-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, унда ҳимоячининг иштироки шарт эканлиги белгиланган бўлиб, буталабга риоя этмаслик жиноят-процессуал қонуни

нормаларини жиддий бузиш деб ҳисобланиши кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўриб чиқиш жараёнида С.А.нинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини бузган, С.А. ҳимоячидан возкечганлиги сабабли ҳимоя-

чи М.Т.ни суд залидан четлаштиргач, уни бошқа ҳимоячи билан таъминлаш чораларини кўрмаган ва қонунбузилишга йўл қўйган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси судининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 1 ноябрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг С.А.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

### **3. Жабрланувчининг важлари тўлиқ текширилмасдан якуний хulosага келиниши суд терговининг тўлиқ эмаслиги сифатида эътироф этилиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Пайариқ тумани судининг 2021 йил 26 январдаги ҳукмига кўра, У.Ю.га Жиноят кодексининг 169-моддаси учинчи қисми "в" банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Самарқанд вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 1 апрелдаги ажримига кўра, суднинг ҳукми ўзгартирилиб, У.Ю.га нисбатан тайинланган жазо Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил озодликни чеклашга келтирилган.

Мазкур ҳукм билан К.А. ҳам судланган бўлиб, ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, У.Ю. Пайариқ тумани, Пайариқ шаҳри, Камолот кўчаси, 9-йда яшовчи Л.П.нинг уйида вақтинча яшаб келган. У уйга тўсиқсиз кириш учун имконияти мавжудлигидан фойдаланиб, К.А. билан Л.П.нинг яшаш хонасидаги темир қутида сақланаётган АҚШ долларларини яширин равишда талон-торож қилиш юзасидан олдиндан ўзаро жиноий тил биритирган.

Шундан сўнг Л.П. 2020 йил 1 августдан 19 август кунига қадар касал бўлган вақтида, К.А. унга шифокорлар томонидан тавсия қилинган турли муолажа ва уколларни қилиб чалғитиб турган, У.Ю. эса, хонадаги темир қутида сақланаётган жами 8 100 АҚШ доллари (83 129 247 сўм)ни яширин равишда талон-торож қилган, сўнг улар ушбу маблағни ўзларининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, У.Ю.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хulosага келган бўлса-да, унга нисбатан қилмишига номутаносиб енгил жазо тайинлаган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айборнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаш-

тирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 4-бандида, агар иш бўйича жиноят содир қилганликда бир нечта судланувчилар айланяётган бўлса, ҳар бир судланувчига нисбатан далиллар келтириши ва таҳлил қилиб чиқиши ҳамда хуласа қилиши зарурлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди томонидан юқоридаги Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Хусусан, суд ҳукмига нисбатан келтирилган протестда жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани сабабли уни ўзгартириб, жазони енгиллаштириш сўралган бўлсада, жабрланувчи Л.П.нинг протест юзасидан билдириган эътирозномасида, моддий зарар тўлиқ қопланмагани сабабли суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни кўрсатиб ўтган бўлишига қарамасдан, апелляция инстанцияси суди жабрланувчини судда иштирокини

таъминлаш чораларини кўрмасдан, суд қарорини ўзгартириш ҳақида барваqt хulosага келган.

Бундан ташқари жабрланувчи Л.П. иш бўйича судланган К.А. етказилган моддий заарарни тўлиқ қоплангани ҳақида тилхат тақдим қилган вазиятда ишнинг У.Ю.га нисбатан қисми кўрилишида моддий зарар қопланмагани ва суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги жабрланувчи Л.П.нинг эътирозномаси ўртасидаги қарама-қарши фикрларга аниқлик киритиш чоралари кўрилмаган.

Апелляция инстанцияси суди У.Ю.га нисбатан ишни кўришда жиноят оқибатида етказилган моддий заарарниң қопланганинига фақатина муқаддам К.А.га нисба-

тан чиқарилган апелляция инстанциясининг ажримини асос қилиб олиш билан кифояланиб, заарарниң реал қопланганлиги ҳолатига аниқлик киритмаган.

Қайд этилганларнинг барчаси суд муҳокамасининг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқлама олиб борилганлиги, суд ўз хulosасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаганлиги, процесс иштирокчиларига, жумладан, жабрланувчига унинг ишга алоқадор важлари судда текширилиши ва баҳоланиши билан боғлиқ қонун билан берилган ҳуқуқларининг чекланганлиги ва иш юритишида юқорида қайд этилган қонун талабларига риоя этилмаганлигини англатиб, процессуал қонун нормала-

рининг жиддий бузилиши ҳисобланади.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси суди ажримини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 19 октябрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг У.Ю.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2021 йил 2 деқабрда Самарқанд вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида кўрилиб, кассация инстанциясининг ажримида кўрсатилган ҳолатлар тўлиқ текширилган ҳолда якуний хulosага келинган.

#### **4. Юқори инстанция судининг ажримида кўрсатилган ҳолатлар батафсил текширилмаслиги суд муҳокамасининг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқлама олиб борилганлиги сифатида эътироф этилади.**

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2019 йил 16 сентябрдаги ҳукмига кўра, М.М. Жиноят кодексининг 185<sup>2</sup>-моддаси учинчи қисми билан 1 йил мuddаттага озодликни чеклаш жазосига судланиб, ундан Қашқадарё вилояти "Сувоқава" ДУКнинг фойдасига жиноят оқибатида етказилган 102 740 400 сўм моддий заарарни ундириш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 14 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.М. Қамаши тумани, На-

гаҳон қишлоғи, "Савсантепа" маҳалласида жойлашган "Қассобтепа" фермер хўжалигининг норасмий иш юритувчиси вазифасида ишлаб келиб, дастлабки тергов ва судда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахслар билан бирга фермер хўжалиги дала майдонининг ер остидан ўтувчи 2 метр чуқурликдаги диаметри 1000 мм бўлган "Яккабоғ-Фузор" магистрал ичимлик суви қувурига ўзбошимчалик билан диаметри 63 мм бўлган темир қувурни бургулаш йўли билан ўрнатган.

Шундан сўнг М.М. ушбу қувурга елим қувур улаб, бир неча йиллардан бўён

жўмрак ўрнатмасдан, турли полиз экинларини суғориб, тоза ичимлик сувидан ноқонуний равишда фойдаланиб келган. Натижада "Сувоқова" ДУК манфаатлари га жами 102 740 400 сўмлик (45 662,4 м<sup>3</sup>) кўп миқдорда зарар етказган.

Мазкур иш муқаддам 2021 йил 21 апрелда Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кассация тартибида кўриб чиқилиб, апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилинган ва ишнинг кўрилишида йўл қўйилган камчиликлар қайд этилиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган ҳолда янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун

юборилган.

Олий суднинг ажримида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилмаганлиги, М.М.нинг жиноят содир этганлигини ўзида акс этирувчи рад этиб бўлмайдиган далиллар тўпланмаганлиги, ишда тўпланган кўрсатма ва далиллар қайси асосларга кўра, ишончга сазовор эканлиги асослантирилмаганлиги, М.М.-нинг ўзига нисбатан эълон қилинган айбловларни инкор қилиб, ушбу жиноятни содир этмаганлиги ҳақидаги кўрсатмаларининг атрофлича муҳокама қилинмаганлиги, ишга ойдинлик киритиши мумкин бўлган гувоҳларни сўроқ қилиш ҳамда тақдим этилган даплатнома, тегишли ҳужжатлар муҳокама қилинмаганлиги, уларнинг иш учун қанчалик аҳамиятли эканлиги ва ўз хulosасига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларга тегишли ҳуқукий баҳо берилмаганлиги назарда тутилмаган.

Жиноят ишини янгидан апелляция инстанциясида кўришда Жиноят процессуал кодекси талабларига риоя қилиш, Олий суд ажрими кўрсатмаларини тўлиқ бажариш чоралари кўрилмаган.

Бундан ташқари Жиноят процессуал кодексининг 26-моддасида жиноят ишини юритишни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни бевосита текширишлари,

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишлари, эксперт хulosаларини эшитишлари, ашёвий далилларни кўздан кечиришлари, баённома ва бошқа ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари шартлиги, 406-моддасида ҳар бир жиноят иши бир таркибдаги суд ёки бир судья томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги кўрсатилган.

Апелляция инстанциясида жиноят ишининг муҳокамаси 2021 йил 19 май куни судья Ф.Н.нинг раислигида, таркиб судьялари Н.А. ва Б.Т. иштирокида бошланиб, суд мажлиси давомида 7 нафар гувоҳ сўроқ қилинган, М.М. ва гувоҳ А.Э. ўртасида юзлаштириш тергов харакати ўтказилган.

2021 йил 14 июль куни жиноят иши Б.Д.нинг иш юритувига олиб берилгани муносабати билан жиноят иши апелляция инстанциясида кўрилиши судья Ф.Н.нинг раислигида, таркиб судьялари Н.А. ва Б.Д. иштирокида бошланган. Судлов ҳайъати далилларни текшириш навбатини дастлаб судланувчининг кўрсатмасидан бошлаб, кейин фуқаровий даъвогарнинг кўрсатмаси асосида давом эттириб, агар лозим топса, илтимосномаларга қараб, гувоҳларни, сўнг ёзма далилларни текшириш ҳақида ажрим қабул қилган. Судланувчи М.М.нинг кўрсатмаси эшитилганидан сўнг унинг "Сувоқова" ДУКдан маълумотнома олиш ҳақидаги илтимосномаси рад қилинган.

Шундан сўнг раислик қилувчи хукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини лозим дараҷада текшириб кўришни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, суд мажлисига гувоҳларни чақириб сўроқ қилиш ҳамда далилларни кўшимча равишда ўрганиш бўйича тарафларнинг фикрини сўраб, уларнинг фикрини эшитиб, далилларни кўшимча равишда ўрганиш зарурати мавжуд эмаслиги ҳақида ажрим қилган.

Шундан сўнг тарафларнинг музокаралари, М.М.-нинг охирги сўзи эшитилиб, судлов ҳайъати маслаҳатхонага кирган ва суд хукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги ажримини эълон қилган.

Бироқ иш бўйича янги апелляция инстанцияси суди таркиби томонидан фуқаровий даъвогар, иш учун муҳим бўлган гувоҳлар қайта сўроқ қилинмаган, уларнинг важлари тингланмаган, камчиликларни тўлдириш, қарамақаршиликларни бартараф этиш юзасидан юзлаштириш ва бошқа ҳаракатлар ўтказилмаган. Янги апелляция инстанцияси суди таркиби томонидан жиноят иши бўйича далиллар бевосита бир суд таркиби томонидан текширилиши шартлиги ҳақидаги Жиноят процессуал кодексининг 26, 406-моддалари талаблари бузилган.

Суд таркиби томонидан бевосита текширилмаган, яъни апелляция инстанцияси суди судьялари таркибида сўроқ қилинмаганлар-

нинг кўрсатмаларига, текширилмаган далилларга таяниб, М.М.нинг айбизилиги ҳақидаги важлари, кўрсатмалари ишончсиз деб топилиб, бевосита текширилмаган ҳолатлар баҳоланиб, Жиноят процессуал кодексининг 90-моддасидаги маълумот ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилгандан кейин-

### **5. Ишни судда муҳокама этиш жараёнида қонунчилик талабларига риоя қилинmasдан, жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Кўмкўрғон тумани судининг 2021 йил 29 январдаги ҳукмiga кўра, Н.А.га Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси тўртинчи қисми "а" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси кўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, яъни 22 300 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 8 апрелдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмiga кўра, Н.А. ўзганинг мол-мулкини алдаш йўли билан қўлга киритиш орқали бойлик орттириш мақсадида, 2020 йил 1 июль куни Қўмкўрғон тумани, "Уяс" маҳалласи худудида жойлашган Қўмкўрғон тумани ҳокимлиги захирасидаги 80 сотих ер майдонини фуқаро Х.Р.га уй-жой қуриш ёки деҳқончилик қилиш учун сотишни кўзлаган.

Гина далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги талабнинг бузилишига йўл қўйилган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси суди ажримини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 15 октябрдаги ажрими билан М.М.га нисбатан чиқарилган апелляция инстан-

цияси судининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан ушбу инстанцияда кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2021 йил 23 декабрда Қашқадарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида қўрилиб, кассация инстанциясининг ажримида кўрсатилган ҳолатлар тўлиқ текширилган ҳолда якуний хуносага келинган.

Шундан сўнг ушбу ер майдони ҳужжатларини номига расмийлаштириб беришга ваъда бериб, ҳар бир сотих ер майдонини 4 000 000 сўмдан, жами 320 000 000 сўмга сотаётган пайтда ҳукуқни муҳофаза қилувчи идора ҳодимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланган.

Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида қўриб чиқиш жараёнида жиноят процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилишига йўл қўйилган.

Хусусан, Жиноят процессуал кодексининг 431-моддаси биринчи қисмига кўра, раислик қилувчи суд таркибини эълон қилиши, кимлар давлат айловчиси, жамоат айловчиси, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси эканлиги, кимлар жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва кимлар уларнинг вакиллари эканлиги, кимлар суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимон эканлигини маълум қилиши, шундан

кейин судланувчи ва бошқа тарафларга уларнинг судья, суд таркиби ёки судьялардан бирортаси, шунингдек, тарафлардан бирортасини рад қилиш ҳукуқларини тушунтириши назарда тутилган.

Жиноят иши апелляция инстанция судида қўрилаётган вақтда амалда бўлган Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида қўриш амалиёти тўғрисида"ги 25-сонли қарори 1-бандида апелляция, кассация инстанцияси суди холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафларга ўз процессуал ҳукуқ ва мажбуриятларини амалга оширишлари учун зарур шароит яратиб бериши шартлиги, апелляция, кассация инстанцияси судида ишнинг муҳокамаси, Жиноят процессуал кодексининг 497<sup>11</sup>-моддаси ва 497<sup>12</sup>-моддаси биринчи қисми, 506-моддасида назарда тутилган истиснолар-

ни инобатга олган ҳолда, биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари асосида олиб борилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ жиноят иши хужжатларида мавжуд апелляция инстанциясининг суд мажлиси баённомасига кўра, суд мажлиси 2021 йил 25 март куни бошланиб, тарафлардан давлат айловчиси тариқасида прокурор А.Р. суд мажлисида иштирок этиб келган бўлиб, 2021 йил 8 апрелдаги суд мажлисида прокурор А.Р.нинг ўрни-

га давлат айловчиси тариқасида прокурор Ш.М. катнашган бўлса-да, суд томонидан судланувчига ва бошқа тарафларга алмашган давлат айловчисини рад қилиш хуқуки тушунтирилмаган.

Натижада суд мажлиси янги прокурор билан давом эттирилиб, унинг музокараси эшитилиб, процессуал қонун бузилишига йўл қўйилган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси судининг ажримини қонуний ва асосли

деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 20 октябрдаги ажрими билан апелляция инстанцияси судининг Н.А.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2021 йил 15 декабрда Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида кўрилиб, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

## **6. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига номувофиқ тайинланган жазо адолатсиз ҳисобланиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Олтинсой тумани судининг 2021 йил 27 январдаги ҳукмiga кўра, Н.М.га Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси биринчи қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 8 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 6 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмiga кўра, Н.М. ажрашмоқчи бўлаётган турмуш ўртоғи Д.Э.нинг бир неча маротаба огохлантиришига қарамай, укаси И.М.га тегишли томорқага ўзбошимчалик билан кўчиб келиб, у ерда иморат қуришни бошлагач, ўрталарида бир неча йиллардан бўён давом этиб келаётган оиласиий ва мулкий низога чек қўйиш мақсадида турмуш

ўртоғи Д.Э.ни қасдан ўлдиришни режалаштирган.

2020 йил 21 сентябрь куни соат 09:00да Н.М. ўзининг жиноий ниятини амалга ошириш мақсадида яшаш уйидан олган пичноқни шиммининг орқа томонига яшириб, Олтинсой тумани, "Сайрак" маҳалласида жойлашган укаси И.М.га тегишли томорқада иморат қураётган турмуш ўртоғи Д.Э.нинг олдига борган ва уни ўлдириш мақсадида қорин бўшлиғига икки марта, кўкрак қафаси орқа томони, чап курак ости ва умуртқа поғонасига уч марта пичноқ урган.

Шундан сўнг воқеа жойига Д.Э.нинг онаси О.Э. келиб қаршилик кўрсатгани ва қизига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганлиги сабабли, у ўзининг қасдан одам ўлдиришга қаратилган жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмаган.

Жиноят кодексининг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллиги, айб ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тушунтирилган.

Бироқ суд томонидан иш бўйича судланган Н.М. турмуш ўртоғи Д.Э.га 6 марта пичноқ санчиб, оғир тан жароҳати етказишга сабабчи бўлганилиги, бунинг устига жабрланувчи қонуний чора кўришни сўраган бўлса-да, унинг қилмишига номутаносиб енгил жазо тайинланган.

Мазкур иш бўйича жабрланувчи Д.Э. суд қарорларидан норози бўлиб, судланувчи Н.М.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси иккинчи қисми "ж" банди билан квалификация қилиниши

лозимлиги сабабли, жиноят ишини Жиноят процесуал кодексининг 416-моддасига асосан қайта терговга юбориб, унга оғирроқ жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судининг Н.М.-нинг қилмишига номутаносиб енгил жазо қўллаб, қонун талаби ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилинмаганилиги тегишли хукукий баҳо берилмаган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси суди ажримини қонуний, асосли ва

адолатли деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 13 октябрдаги ажрими билан апелляция инстанцияси судининг Н.М.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2021 йил 4 ноябрда Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида қўрилиб, Н.М.га тайинланган жазонинг муддати 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилишга келтирилган.

## II. Суд қарорларининг ўзгартирилиши

### **1. Қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суюқасд деб баҳоланади.**

Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2012 йил 10 августдаги хукмiga кўра, А.Т.га Жиноят кодексининг 167-моддаси биринчи қисми билан 6 ой қамоқ, 273-моддаси бешинчи қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш, 59-моддаси тартибида 10 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанциясининг 2012 йил 2 октябрдаги ажрими билан хукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2012 йил 10 март куни соат 19:00 ларда Х.М. таниши Ю.Л.нинг хонадонида юрак ишемик касаллиги, инфаркт миокардидан вафот этган.

2012 йил 11 март куни Ю.Л. ўз хонадонидан Х.М.га

тегишли нархи 100 000 сўмлик "Nony" русумли қўл телефони аппаратини топиб олиб, ушбу аппаратни Х.М.нинг оила аъзоларига олиб бориб бериш учун А.Т. га берган.

А.Т. ўзига ишониб топширилган ҳамда ихтиёридаги ўзганинг мулкини ўзлаштириш мақсадида Х.М.нинг қўл телефон аппаратини укаси А.Т.га 35 000 сўмга сотиб, ушбу маблагни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Бундан ташқари 2012 йил 10 май куни соат 16:00 ларда Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент вилояти бошкармаси Чирчиқ шаҳар бўлими ва Чирчиқ шаҳар Ички ишлар бўлими тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда А.Т. Ю.Л.га 1,35 грамм героин гиёхвандлик моддасини 100 АҚШ долларига сотаётган вақтида ушлангани оқибатида жиноий ҳаракатини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмасдан, кўп миқдордаги ги-

вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, А.Т.нинг айби исботлангани ҳақида асосли хulosага келган бўлса-да, бироқ унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 25-моддаси иккинчи қисмида қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суюқасд деб топилиши кўрсатилган.

Иш ҳолатларига кўра, А.Т. Ю.Л.га 1,35 грамм героин гиёхвандлик моддасини 100 АҚШ долларига сотаётган вақтида ушлангани оқибатида жиноий ҳаракатини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмасдан, кўп миқдордаги ги-

ёҳвандлик воситасини со-тишга суюқасд қилган.

Шундай ҳолатда А.Т.нинг ҳаракатларини тугалланган жиноят сифатида баҳолаб бўлмайди.

Шу билан бирга судлов ҳайъати қуидаги асосларга кўра, суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириши лозим топган.

2017 йил 29 мартағи "Ўзбекистон Республикаси-нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қў-шимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга кўра, Жиноят кодексида белгиланган жазо тизимидан қамоқ жазоси чиқарилган.

Жиноят кодексининг 13-моддасида қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда

бўлган қонун билан белгиланиши, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиласидиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшиладиган қонун орқага қайтиш кучига эга эканлиги, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисобланса, тадбиқ этилиши на-зарда тутилган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати А.Т.га Жиноят кодексининг 167-моддаси биринчи қисми билан тайинланган қамоқ жазосини қонунга мувофиқлаштириб, қонун санкциясида белгиланган доирада ахлоқ тузা-

тиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топган.

Юқоридагиларга асосан Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 16 ноябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг А.Т.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилган.

А.Т.га Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси бешинчи қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 167-моддаси биринчи қисми билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси, 59, 61-моддаларига асосан жазоларни қисман кўшиш йўли билан узил-кеシリл 10 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

## **2. Жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига риоя қилинмаганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Қарши тумани судининг 2012 йил 19 июндаги ҳукмiga кўра, К.Х.га Жиноят кодексининг 246-моддаси иккинчи қисми билан 11 йил, 273-моддаси бешинчи қисми билан 13 йил, 59-моддаси тартибида 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди кассация инстанциясининг 2019 йил 26 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, К.Х.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 246-моддаси иккинчи қисмидан 28, 246-моддаси иккинчи қисмiga қайта квалификация қилиниб, мазкур

модда билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиб, 59-моддаси тартибида 13 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ушбу ҳукм билан М.Ф., А.Х., Б.Ш., О.К. ва Д.М. ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми муҳокама қилинмаган.

Суднинг ҳукмiga кўра, М.Ф., А.Х., К.Х., Б.Ш., О.К. ва Д.М. кўп миқдорда гиёҳвандлик воситаларини контрабанда йўли билан мамлакатимизнинг божхона чегарасидан олиб ўтиш ва сотиш мақсадида Н.Ё. ҳамда ишнинг уларга тегишли қисми алоҳида иш юритувга ажратилган М.Т.,

С.Т., терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган "Абдураҳмон" исмли Тоҷикистон фуқароси, "Оллоберди" исмли Туркманистон фуқароси ҳамда А.М. исмли шахс билан кўп миқдордаги "Опий" ва "Героин" гиёҳвандлик воситаларини сотиб, моддий манфарат кўриш юзасидан олдиндан ўзаро жиноий тил биритирган.

Шундан сўнг "Абдураҳмон" исмли Тоҷикистон фуқароси "Тоҷикистон-Ўзбекистон" давлатлари чегараси худудидан кўп миқдордаги "Опий" ва "Героин" гиёҳвандлик воситасини контрабанда йўли билан ўтказишга келишиб, 5 килограмм 727,71 грамм "Опий"

ва 981,12 грамм "Героин" гиёҳвандлик воситаларини терговда аниқлаш имкони бўлмаган йўллар билан Ўзбекистон ҳудудига ўтказган ва келгусида сотиш мақсадида М.Ф.нинг Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, "Суфён" қишлоқ фуқаролар йиғини, "Бирлик" маҳалласидаги яшаш уйида сақлаб келган.

2011 йил январь ойида А.Х. дастлабки тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган "Абдураҳмон" исмли Тоҷикистон фуқароси билан бирга М.Ф.нинг яшаш уйида "Опий" гиёҳвандлик воситасининг 850 граммини К.Х.га 1700 АҚШ долларига сотишган. К.Х. бу гиёҳвандлик моддасини 2012 йил январь ойида яшаш уйига йўловчи автомашинада қонунга хилоф равиша олиб келган.

Шундан сўнг 2012 йил январь ойида К.Х. 850 грамм кўп микдордаги "Опий" гиёҳвандлик воситасини О.К. ва Б.Ш. билан бирга йўловчи автомашинада Самарқанд вилояти, Иштиҳон тумани, Бодай қишлоғидаги Т.М. ва Т.С.нинг яшаш уйига олиб бориб, уларга 9 000 000 сўм эвазига сотишган.

К.Х. ва бошқалар жиноий ҳаракатлари давом эттириб, 2012 йил 1 февраль куни А.Х. ва дастлабки тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган "Абдураҳмон" исмли Тоҷикистон фуқаросидан "Опий" гиёҳвандлик воситасини сошиб олишга келишишган. Шундан сўнг кўп микдордаги 1 килограмм 877,71 грамм "Опий" гиёҳвандлик

воситасини К.Х.нинг уйига йўловчи автомашинада қонунга хилоф равиша олиб келишган. Кейин К.Х. ушбу гиёҳвандлик моддасини уйида қонунга хилоф равиша 2012 йил 7 февраль кунига қадар сақлаб келган. 2012 йил 7 февраль куни судланувчи Б.Ш. билан бирга М.Т. ва С.Т.га сотиш мақсадида Тошкент шаҳрига олиб кетаётган вақтида Миллий хавфсизлик хизмати Қашқадарё вилояти бошқармаси ва вилоят Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракат хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан ҳамкорликда "Умакай" ЙПХ масканида амалга оширилган тадбирлар давомида ушланган.

1 килограмм 877,71 грамм кўп микдордаги "Опий" гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, К.Х.нинг айби исботлангани хақида асосли хуносага келган бўлса-да, бироқ унга нисбатан жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига риоя қиласдан, хатоликка йўл кўйган.

Жиноят кодексининг 50-моддасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинлашадан жазо муддати ушбу кодекс Maxsus қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисми-

дан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"-ги 1-сонли қарори 28-бандида Жиноят кодексининг 50-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, аёлларга, шунингдек, 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддати Жиноят кодексининг Maxsus қисми тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси максимал муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича жазо тайинлашадан жазо муддати тўғрисида тушунтириш берилган.

Суд томонидан К.Х.га нисбатан жазо тайинлашда унинг олтмиш ёшдан ошганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилган бўлса-да, жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашда унинг айбли деб топилган моддалари санкциясида кўрсатилган максимал муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ жазо тайинланиб, хотога йўл қўйилган.

Ишни кассация инстанцияси судида кўрилишида ҳам қайд этилган ҳолатларга етарлича эътибор берилмаган.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил

26 октябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг К.Х.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича кассация инстанцияси судининг ажрими ўзгартрилган.

### **3. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги шахснинг жиноят учун жавобгарликдан озод қилинишига сабаб бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Ангор тумани судининг 2021 йил 3 майдаги ҳукмига кўра, Т.М.га Жиноят кодексининг 228-моддаси биринчи қисми билан 1 йил, 168-моддаси икkinchi қисми "а" банди билан 1 йил 6 ой, 59-моддаси тартибида 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, 62-моддасига асосан 9 кун қамоқда бўлган вақтининг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, ўташ учун 1 йил 11 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган.

Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 2 июндан ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, Т.М. "Grand Garantiya-Servis" номли масъулияти чекланган жамиятининг раиси вазифасида ишлаб, расмий ҳужжатларга сохта маълумот ва ёзувлар киритиб, ўзганинг анча миқдордаги мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида 2017 йил июнь ойининг бошларида Термиз шахри, "Сурхон соҳили" маҳалласи, Маърифат кўчаси, 17а-уйда яшовчи Р.А.-

К.Х.га нисбатан Жиноят кодексининг 273-моддаси бешинчи қисми ва 28, 246-моддаси икkinchi қисми билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг 59-

моддаси тартибида узилкесил ўташ учун тайинланган 13 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси 13 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси га келтирилган.

ни Термиз шахри, "Юлдуз" маҳалласи, Ибн Сино номидаги кўчада қурилаётган кўп қаватли уйлардан 70,2 квадрат метрга teng бўлган икки хонадан иборат хона-донни арzon баҳода сотиб олиб беришни ваъда қилиб, уни ишонтирган.

Шундан сўнг 2017 йил 9 июнь куни Термиз шахри, "Дўстлик" маҳалласи худудида Р.А.дан 52 439 000 сўмни фирибгарлик йўли билан олиб, "Grand Garantiya-Servis" номли масъулияти чекланган жамиятининг номидан сохта кирим ғазна ордери расмийлаштириб, Р.А.га тақдим қилган. Пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Суд Т.М. томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 168-моддаси икkinchi қисми "а" банди ва 228-моддаси биринчи қисми билан тўғри квалификация қилган бўлса-да, бироқ қонун талабига риоя қилмасдан, Жиноят кодексининг 228-моддаси биринчи қисми билан нотўғри жазо тайинлаган.

Иш ҳужжатларига кўра, Т.М. 2017 йил июнь ойининг бошларида Р.А.га 70,2 квадрат метрга teng бўлган

икки хонадан иборат хона-донни арzon баҳода сотиб олиб беришни ваъда қилиб, 2017 йил 9 июнда Р.А.дан 52 439 000 сўмни фирибгарлик йўли билан олган ҳамда унга сохта кирим ғазна ордерини тақдим қилган.

Жиноят кодексининг 64-моддаси биринчи қисми "а" бандида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб, икки йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Жиноят кодексининг 228-моддаси биринчи қисми ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумiga киради.

Лекин суд жиноят ишини кўриш вақтида Т.М.ни Жиноят кодексининг 228-моддаси биринчи қисми билан жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетганлигига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Жиноят процессуал кодексининг 509<sup>9</sup>-моддасида кассация инстанцияси суди биринчи, апелляция инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгартришига ҳақлилиги назарда тутилган.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 6 октябрядаги ажрими билан би-

ринчи инстанция судининг К.Х.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича кассация инстанциясининг ажрими ўзгартирилиб, Жиноят кодексининг 228-моддаси биринчи қисми билан тайинланган жазодан жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли озод қилиниб, ҳукмнинг Жиноят

кодексининг 59-моддаси тартибида жазо тайинлаш қисми бекор қилинган.

Жиноят процессуал кодексининг 463-моддаси учинчи қисми 2-банди тартибида Т.М. Жиноят кодексининг 228-моддаси биринчи қисми билан жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли жазо-

дан озод қилинган.

Суд ҳукмининг Т.М.га Жиноят кодексининг 168-моддаси иккинчи қисми "а" банди билан тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан ўташ учун 1 йил 5 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган.

#### **4. Қилмиш нотўғри квалификация қилиниши суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Шўрчи тумани судининг 2021 йил 1 мартағи ҳукмiga кўра, М.М.га Жиноят кодексининг 105-моддаси биринчи қисми билан 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Сурхондарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 22 апрелдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмiga кўра, М.М. 2020 йил 6 ноябрь куни соат 12:30 да Шўрчи тумани, "Шалдироқ" маҳалласи худудида жойлашган отаси Х.М. нинг яшаш уйи томорқаси ёнида фуқаро А.А. билан ўрталарида давом этиб келаётган зиддият ва адват туфайли жанжаллашиб қолади. Жанжал вақтида қўли билан А.А.нинг қўлинин ушлаб, ерга йиқитиб, унга қасддан ўртача оғирликдағи тан жароҳати етказганликда айланган.

Судлар томонидан мазкур жиноят иши юзасидан аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ

ва холисона текшириб чиқиши чоралари кўрилмаган бўлиб, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланмаган.

Олий суд Пленумининг 2007 йил 27 июндаги "Баданга қасддан шикаст етказишига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"-ги 6-сонли қарори 22-бандига кўра, агар айбор қўллаган зўрлик жабрланувчи ни дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишига сабаб бўлса, жабрланувчи баданига оғир шикаст айборнинг айби билан қамраб олинмаган ҳолатлар бўйича (масалан, зарбадан сўнг йиқилиш натижасида) келиб чиқсан бўлса, айбор оқибатига қўзи етмаган, бироқ қўзи етиши шарт ва мумкин бўлган ёхуд қўзи етсада, етарли асосларсиз унинг олдини олишни мўлжаллаб қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиқсан оқибатлар Жиноят кодексининг 111-моддаси билан квалификация қилиниши лозимлиги тушунтирилган.

Дастлабки тергов ва би-

ринчи инстанция суди мажлисида жабрланувчи А.А. жанжалда М.М. уни қўли билан силкитиб, ерга йиқитиб ташлаганлиги, натижада қўли синиб кетганлигини билдирилган.

Бундай ҳолатда М.М.нинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 105-моддаси биринчи қисми билан квалификация қилиб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2021 йил 13 октябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг М.М.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилиб, М.М.нинг ҳаракати Жиноят кодексининг 105-моддаси биринчи қисмидан ушбу кодекснинг 111-моддаси биринчи қисмига қайта квалификация қилинган.

М.М. га Жиноят кодексининг 111-моддаси биринчи қисми билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

№I/2022

2022 йил 28 январь

№ РС-08-22

Тошкент шаҳри

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-хуқуқ тизимини янада та-  
комиллаштириш ва суд ҳокимиияти орган-  
ларига ишончни ошириш чора-тадбирла-  
ри тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги  
ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон  
Республикаси Олий суди Раёсатининг  
"Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш  
ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил  
27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-  
банди ижросини таъминлаш мақсадида  
Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйи-  
ча судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг  
тўртинчи чорагида кассация тар-  
тибида кўрилган ишлар бўйича суд ама-  
лиёти обзори тайёрланди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича  
судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фао-  
лияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъа-  
ти томонидан Олий суднинг 2021 йил-  
нинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжал-  
ланган иш режалари, дастурлар ва йўл  
хариталарида белгиланган вазифалар  
ижроси юзасидан муайян ишлар амал-  
га оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқ-  
даки, Олий суднинг фуқаролик ишлари  
бўйича судлов ҳайъатига кассация тар-  
тибида келиб тушган 5704 та шикоятдан  
(такрорий шикоят бўйича келиб тушган  
ва кўрилган ишлар бундан мустасно)  
3250 таси судлов ҳайъатида кўриб чи-  
қилган.

Кўриб тамомланган 3245 та фуқаро-

лик ишининг 2555 таси ёки 78,7 фоизи  
бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қол-  
дирилган, 540 та иш бўйича суд қарор-  
лари бекор қилинган, 150 таси бўйича  
суд қарорлари ўзgartирилган.

Жами бекор қилинган 540 та ишдан:

83 таси биринчи инстанция суди, 65  
таси апелляция инстанцияси судига ян-  
гидан кўриш учун юборилган;

268 та иш бўйича янги ҳал қилув қаро-  
ри чиқарилган;

88 та иш бўйича апелляция ва касса-  
ция инстанцияси суди ажримлари бекор  
қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари  
ўз кучида қолдирилган;

35 та иш бўйича суд қарорлари бекор  
қилиниб, иш юритиш тутатилган;

1 та иш бўйича суд қарорлари бекор  
қилиниб, ариза кўрмасдан қолдирилган.

Бундан ташқари 75 та иш такрор кас-  
сация тартибида Олий суднинг фуқаро-  
лик ишлари бўйича судлов ҳайъатида  
кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан такрор кас-  
сация тартибида кўрилган 75 та ишнинг:

18 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзга-  
ришсиз қолдирилган;

7 таси бўйича барча суд қарорлари  
бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш  
учун биринчи инстанция судига юборил-  
ган;

18 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор  
қилиниб, иш янгидан кўриш учун  
апелляция инстанцияси судига юбо-

рилган;

4 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

1 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

9 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримлари бекор қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган;

7 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига юборилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнida кўрилган ишлар бўйича 25 та хусусий ажрим чиқарилган.

Ишларни биринчи ва апелляция (кассация) инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қўйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжати қўлланмаганлиги;

иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

аниқланган деб ҳисобланган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

қўлланилмаслиги лозим бўлган қонун

ёки бошқа қонун ҳужжати қўлланганини;

қонун ёки бошқа қонун ҳужжати нотўғри талқин қилинганлиги.

Кассация инстанцияси судида қуйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараённада бирон-бир тоифадаги ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолият аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри қўлланнилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот

хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (Г.Парпиева) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоятлар, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман ва шаҳар судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил февраль ойида** видеоконференца-лоқа режимида семинар машгулотини ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Ра-ёсати котибиятига электрон шаклда **2022 йил 15 февралга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга

тенглаштирилган судларга, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси Х.Турахужаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан

### 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

## О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-хуқук тизимини янада тақомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Суд-хуқук тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини тўла-тўқис таъминлаш мақсадида суд қарорларини қайта кўриш институти янада тақомиллаштирилди.

"Суд қарорларини қайта кўриш институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Иқтисодий процессуал, Фуқаролик про-

цессуал кодексларига, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киртиш тўғрисида"ги бешта қонун 2021 йил 13 январдан кучга кирди.

Ушбу кодексларда фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилиш, назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш тартибини белгилаш назарда тутилди.

Шу маънода "Бир суд — бир инстанция" тамоилии жорий этилди.

Ушбу "Бир суд — бир инстанция" тамоилиига кўра, эндиликда биринчидан, халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими яратилди. Яъни:

биринчи инстанция — туманлараро, туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича — вилоят судлари;

апелляция инстанцияси — вилоят судлари, биринчи инстанцияда вилоят судлари томонидан кўрилган мураккаб тоифадаги ишлар бўйича — Олий суд;

кассация инстанцияси —

Олий суддан иборат бўлди.

Иккинчидан, халқаро ташкилотлар ва эксперталарнинг эътиrozига сабаб бўлаётган назорат инстанцияси тўлиқ бекор қилинди.

Ўз навбатида, суд ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институтининг тугатилиши ва кассациянинг учинчи инстанция суди сифатида белгиланиши натижасида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги бевосита ундан норози томоннинг тўғридан-тўғри берган шикояти асосида кўрилишига эришилди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2021 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига жами кассация тартибида келиб тушган 5704 та шикоятдан (такрорий шикоят бўйича келиб тушган ва

кўрилган ишлар бундан мустасно) 3250 таси судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Кўриб тамомланган 3245 та фуқаролик ишининг 2555 таси ёки 78,7 фоизи бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 540 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 150 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган.

Жами бекор қилинган 540 та ишдан:

83 таси биринчи инстанция судига, 65 таси апелляция инстанцияси судига янгидан кўриш учун юборилган;

268 та иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган;

88 та иш бўйича апелляция ва кассация инстанцияси суди ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари ўз кучида қолдирилган;

35 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган;

1 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ариза кўрмасдан қолдирилган.

Статистик таҳлиллар орқали Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан бўён матнда ФПК деб юритилади) 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида тамомланган ишларнинг 733 тасини Тошкент шахри, 417

тасини Тошкент вилояти, 293 тасини Самарқанд вилояти, 278 тасини Қашқадарё вилояти, 223 тасини Фарғона вилояти, 192 тасини Бухоро вилояти, 185 тасини Сурхондарё вилояти, 181 тасини Хоразм вилояти, 180 тасини Қорақалпоғистон Республикаси, 138 тасини Андижон вилояти, 117 тасини Навоий вилояти, 109 тасини Жizzах вилояти, 108 тасини Намангандарё вилояти ва 4 тасини ҳарбий судларида кўрилган ишлар ташкил этган.

Судлов ҳайъатида кассация тартибида кўрилган ишларга нисбатан олганда бекор қилинган ёки ўзгартирилганлиги вилоятлар кесимида қуидагича кўринишни ташкил этган, яъни:

Тошкент вилояти судларининг 29,3 фоиз (417 та иш кўрилган, шундан 23 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 99 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Самарқанд вилояти судларининг 27,3 фоиз (293 та иш кўрилган, шундан 24 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 56 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент шахри судларининг 22,5 фоиз (733 та иш кўрилган, шундан 30 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 135 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қашқадарё вилояти судларининг 21,6 фоиз (278 та иш кўрилган, шундан 14 та иш бўйича суд қарорлари

ўзгартирилган ва 46 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Навоий вилояти судларининг 21,4 фоиз (117 та иш кўрилган, шундан 7 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 18 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган) ташкил этган.

Фарғона вилояти судларининг 19,3 фоиз (223 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 37 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Хоразм вилояти судларининг 18,8 фоиз (181 та иш кўрилган, шундан 11 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 23 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Намангандарё вилояти судларининг 18,5 фоиз (108 та иш кўрилган, шундан 4 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 16 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Андижон вилояти судларининг 18,1 фоиз (138 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 19 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Бухоро вилояти судларининг 17,7 фоиз (192 та иш кўрилган, шундан 10 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 24 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг 16,1 фоиз (180 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва

23 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сирдарё вилояти судларининг 16 фоиз (87 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 11 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Жizzах вилояти судларининг 15,6 фоиз (109 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 15 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сурхондарё вилояти судларининг 11,9 фоиз (185 та иш кўрилган, шундан 4 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 18 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган).

Бундан ташқари 75 та иш қайта кассация тартибида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан қайта кассация тартибида кўрилган 75 та ишнинг:

18 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

7 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

18 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб,

ишлар янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган;

4 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарорлар қабул қилинган;

1 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

9 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримлари бекор қилиниб, апелляция инстанцияси суднинг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

7 таси бўйича Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига юборилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида низолар бўйича кўрилган 25 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилган, 23 та иш бўйича ФПКнинг 275-моддаси бешинчи қисми талабига кўра, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга хабарномалар юборилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация

инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Бу даврда кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низолар (139 943 та), оиласвий низолари билан (хусусан, никоҳдан ажратиш) боғлиқ (53 660 та), қарз муносабатларидан келиб чиқувчи низолар (26 066 та), уй-жой низолари (20 913 та) билан боғлиқ ишлар сони бирмунча кўпайган.

2021 йил давомида эрхотиннинг мол-мулки (умумий ва алоҳида мулк деб топиш, бўлиш ва улуш ажратиш) юзасидан низолар, мерос низолари (меросхўр деб топиш ва бўлиш), битимлар билан боғлиқ ва болалар тарбиясига оид ишларни кўришда процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда барча судлар амалиётда хатоликлар мавжуд.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда ФПК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

### **1. Ишни судда кўришда судловга тааллуқлилик қоидаси бузилганлиги суд ҳужжатларини бекор бўлишига асос бўлади.**

Даъвогар ССП вилоят ҳудудий бошқармаси АТ "Халқ банки" туман филиали манфаатини кўзлаб, жавобгарлар — масъулияти

чекланган жамияти ва жисмоний шахс А.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда масъулияти чекланган жамияти

томонидан кредит эвазига сотиб олинган бензин двигательли рефрижиратор, сут ташувчи автомобиль, тракторни банкка гаровга қўйиши

мажбуриятини юклашни сўраган.

Апелляция инстанцияси судининг 2020 йил 21 майдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 20 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво қаноатлантирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 10 ноябрдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво аризаси иш юритишдан тугатилган ва даъвогарга бу масалада иқтисодий судга мурожаат қилиш хуқуқи тушунтирилган.

Аниқланишича, АТ "Халқ банки" туман филиали ва масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2018 йил 5 июлда кредит шартномаси тузилган.

Унга кўра, масъулияти чекланган жамиятияга 120 ой муддатга, 36 ойлик имтиёзли давр билан йиллик 6,5 фоиз тўлаш шарти билан 497 000 АҚШ доллари миқдорида насли эчкиларни парваришлашга мўлжалланган замонавий чорвачилик комплексида чет элдан сутни қайта ишлаш асбоб-ускуналари линияси, қишлоқ-хўжалик техникалари, маҳсус автотранспорт воситалари сотиб олиш мақсадида кредит маблағи ажратилган.

Кредит шартномаси таъминоти сифатида кредит хисобига сотиб олинадиган барча ишлаб чиқариш ва техника воситалари, яъни сутни қайта ишлаш асбоб-ускуналар линияси, зарурий қишлоқ хўжалик техникалари ва маҳсус автотранспорт воситаларини гаров

таъминоти сифатида тақдим этилиши, ушбу кредит хисобига сотиб олинадиган сутни қайта ишлаш асбоб-ускуналар линияси, зарурий қишлоқ хўжалик техникалари ва маҳсус автотранспорт воситалари корхонага етказиб берилгунга қадар, яъни 6 (олти) ой муддатга суғурта ташкилотининг 2 165 000 000 сўмлик кредитни қайтмай қолиш хавфнинг олдини олиш суғурта полиси билан таъминланиши белгиланган.

Судлар эса, 2018 йил 5 июлдаги кредит шартномасида фуқаро А. қайд этилган техникалар юзасидан бирон-бир мажбурият олмаганини боис уни жавобгарлар таркибидан чиқармасдан, иқтисодий судга тааллуқли масалани мазмунан ҳал қилиб, нотўғри холосага келган.

## **2. Уй-жойдан кўчиришга оид ишларни кўришда жавобгарларда мулк ёки фойдаланиш ҳуқуqlари мавжуд ёки йўқлиги аниқланиши лозим.**

Даъвогар Н. жавобгарлар — А. ва Б.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарларни ўзига тегишли бўлган Сариосиё тумани, "Нодирабегим" маҳалла фуқаролар йигини, Бозорчилар кўчаси, 65-уйдан оила аъзолари билан бирга мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Туманлараро судининг 2021 йил 25 августдаги ҳал қилув қарори билан Н.нинг даъвоси қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 26 октябрдаги ажрими билан

ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 21 декабрдаги ажрими билан апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Аниқланишича, низоли бўлган Сариосиё тумани, "Нодирабегим" маҳалла фуқаролар йигини, Бозор-

чилар кўчаси, 65-уй даъвогар Н.га 2021 йил 18 майда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан тегишли.

Айни вақтда жавобгарлар — А. ва Б.лар уч нафар вояга етмаган фарзанди билан низоли уй-жойда рўйхатдан ўтмаган ҳолда истиқомат қилиб келган.

Амалдаги Уй-жой кодексининг 11-моддасига биноан, туар жойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, фуқаролар ва юридик шахслар, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган

манфаатларини бузмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишили турар жойга ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатdir.

Биринчи инстанция суди низоли уй-жойга нисбатан жавобгарлар мулкдор эмаслиги ёки мулкдор билан ўзаро яқин қариндош эмаслиги ва уларнинг уй-жойда яшаши учун ҳуқуқий асослар мавжуд эмаслигини эътиборга олиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида қонуний ва асосли тўхтам-

га келган. Апелляция инстанцияси суди эса, жавобгарлар низоли уй-жой олди-сотди қилингунга қадар собиқ мулкдордан ер участкасини тилхат асосида сотиб олиб, уй-жой қуриб яшаб келганига асосланиб, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хуносага келган.

**3. Судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги важларини текширмагани ва даъво муддатини ҳисоблашда буйруқ нусхаси берилган (ёки юборилган) кундан ҳисобланишини инобатга олмагани суд ҳужжатларини бекор қилишга асос бўлади.**

Даъвогар туман адлия бўлими фуқаро Ш. манфатини қўзлаб, жавобгар — туман тиббиёт бирлашмасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ва ишга тиклаш, иш ҳақи ва маънавий зарар ундиришни сўраган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 5 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2021 йил 23 августдаги ҳал қилув қарорига асосан туман адлия бўлимининг даъво талаби рад қилинган.

Қўйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 23 декабрдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар — Ш. туман тиббиёт бирлашмасининг 2017 йил 16 июлдаги буйруғига кўра, бирлашманинг диагности-

ка бўлими ҳамшираси вазифасига ишга қабул қилинган.

Ш. 2021 йил 4 апрель куни ўз вазифасидан озод этишни сўраб, ўз хоҳиши билан ариза ёзган.

Шу асосда туман тиббиёт бирлашмасининг 2021 йил 5 апрелдаги буйруфи билан Ш. билан тузилган меҳнат шартномаси Мехнат кодексининг 99-моддасига асосан бекор қилинган.

Судлар даъвони рад қилишда, даъвогар — Ш. ўз ихтиёрига кўра, ариза ёзганлиги ҳамда даъво муддати ўтказиб юборилганлигини асос қилган.

Аниқланишича, даъвогар — Ш. 2020 йил сентябрь ойидан 2021 йил апрель ойига қадар ўз ҳисобидан меҳнат таътилида бўлган.

Даъвогар — Ш. туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилиб, 2020 йил сентябрь ойидан турмушга чиққанлиги сабабли кундузги бўлимга ишга ўтка-

зишни сўраган бўлса-да, бунга иш берувчи муносабат билдиримаган.

Кассация инстанцияси суди судлов ҳайъатида жавобгар вакили И. даъвогар Ш.нинг онаси қизининг иши юзасидан 2021 йил 2 апрелда юқори давлат идоралариша шикоят билан мурожаат қилганлиги, шикоят юзасидан 2021 йил 4 апрелда даъвогар — Ш.нинг уйига боришани ҳамда Ш. ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзив берганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Ўз навбатида, туман тиббиёт бирлашмаси 2021 йил 30 июнда даъвогар Ш.га меҳнат шартномасини бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси ва меҳнат дафтарчасини олиб кетишни сўраб, почта орқали 2021 йил 1 июль куни хабарнома юборган.

Судлов ҳайъатида сўралган даъвогар — Ш. буйруқ нусхасини 2021 йил 2 июль куни почта алоқаси орқали олганлиги, шундан

сўнг адлия бўлимига мурожаат қилганлиги ҳақида тушунтириш берган.

Туман адлия бўлими эса, мазкур даъво билан судга 2021 йил 28 июлда мурожаат қилган.

Аммо судлар даъвогар

Ш. саккиз ой мобайнида ўз ҳисобидан меҳнат таътилида бўлиб, ишдан бўшаш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови асосида ёзганлиги, ҳуқуqlари бузилганини буйруқ нусхасини олгандан сўнг бил-

ганлиги ва унинг мурожаати асосида адлия бўлими бир ойлик даъво муддати ичига судга мурожаат этганлигини эътиборга олмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хуносага келган.

**4. Мулқдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини олади.**

Даъвогар — Х. жавобгар — Ш.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда ер майдонида жойлашган 183-ўйга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Апелляция инстанцияси судининг 2020 йил 14 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманларо судининг 2019 йил 21 августдаги ҳал қилув қарорига асосан Х.нинг даъво талаби рад қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 11 октябрдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, Нодира-бегим кўчасидаги 250 м<sup>2</sup> ер майдонида жойлашган 183-ўй 1991 йил 29 ноябрда нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан жавобгар —

Ш.га тегишли.

Жавобгар — Ш. 1985 йил 18 апрелда фуқаро С. билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган.

Даъвогар — Х. низоли бўлган 183-ўйга 1997 йил июнь ойида оиласи билан кўчиб кирган ва шундан бўён ушбу хонадонда узлуксиз яшаб келган.

Қўшнилар иштирокида маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланган 2019 йил 11 марта тузилган далолатномада даъвогар — Х. низоли 183-ўйга 1997 йил июнь ойида оиласи билан кўчиб кирганлиги ва шундан бўён ушбу хонадонда барча коммунал тўловларни тўлаб, узлуксиз яшаб келиши қайд этилган.

Даъвогар — Х.нинг оиласи билан низоли 183-ўйда 1997 йилдан бўён яшаб келишини биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар ҳам тасдиқлаб, кўрсатма берган.

Бундан ташқари даъвогар Х. низоли 183-ўйда 1997 йилдан бўён яшаб келиши жараёнида коммунал тўловларни шу вақтдан бошлаб амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов квитанцияларини ҳам судга тақдим этган.

Жавобгар — Ш. эса, даъвогар судга мурожаат қилган вақтга қадар ушбу ўйжой юзасидан бирор-бир эътиroz билдирумаган.

Судлар низоли ўй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашга асос бўлувчи қонунда назарда тутилган барча зарур юридик элементларни тўлиқ мавжудлиги, яъни даъвогар низоли ўй-жойда 22 йилдан бўён узлуксиз яшаб келаётганлиги, мазкур ўй-жойни ҳалол ҳамда ошкора йўл билан эгаллаб олганлиги, мулкка ўзиники каби муносабатда бўлиб келаётганлигини инобатга олмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хуносага келган.

**5. Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қиласди.**

Даъвогар — М. жавобгар — Ў.га нисбатан судга даъ-

во аризаси билан мурожаат қилиб, унда ўзбошимча-

лик билан қурилган иморатни буздириш, фермер хўжа-

лиги фаолиятига тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклаш ва маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Туман судининг 2021 йил 1 июлдаги ҳал қилув қарори билан М.нинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2020 йил 14 мартағи ҲҚ-365/03-сонли қарори билан даъвогар — М.га ажратилган қишлоқ хўжалик харитасининг 1037қ-контурида жойлашган ер майдонида жавобгар — Ў. томонидан ўзбошимчалик билан 4x4 ҳажмдаги блок фиштдан қурилган чайла ва блок фиштдан қурилган 2x4 ҳажмдаги ҳожатхонани унинг хисобидан мажбурий тарзда буздириш белгиланган. Жавобгар — Ў. зиммасига фермер хўжалиги фаолиятига тўсқинлик қилмаслик мажбурияти юклатилган. Даъвонинг маънавий зарар ундиришга оид қисми рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 7 сентябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 29 октябрдаги ажрими билан суд ҳужжатларини бинони буздириш ва мажбурият

юклашга оид қисми бекор қилиниб, даъвони шу қисмини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, туман ҳокимининг 2020 йил 14 мартағи қарори билан даъвогар — М. раҳбарлигига боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этилиб, фермер хўжалигига 957к ва 1037к-сонли контурларидан жами 2 га лалми ер участкаси 49 йил муддатга ижарага берилган.

Шу қарор асосида туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида 2020 йил 17 ноябрда ижара шартномаси тузилган.

Унга қадар эса, туман ҳокимининг 2011 йил 19 деқабрдаги қарорига асосан жавобгар — У.га юридик шахс ташкил этган ҳолда дехқон хўжалиги ташкил этиб, дехқончилик қилиш учун 1560-сонли контурдан 0,5 га лалми ер участкаси ажратиш белгиланган.

Шу асосида жавобгар — У. раҳбарлигидаги дехқон хўжалиги 2012 йил 6 январда туман ҳокимлигига давлат рўйхатидан ўтказилган ва бу ҳақда гувоҳнома берилган.

Ер участкасидан фойдаланиш жараёнида тарафлар ўртасида низо келиб

чиқкан.

Судлар даъвони қаноатлантиришда мутахассис хulosасини асос қилган.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг З-моддасига асосан, фермер хўжалиги ижарага берилиган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етишириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

Низоли ер майдони мулқдори фермер хўжалиги бўлса-да, М. фермер хўжалиги номидан эмас, балки жисмоний шахс сифатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Зеро, ер билан боғлиқ мулк ҳуқуқи фермер хўжалиги номига ўтказилган ҳолда, ердан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ҳам фермер хўжалигига тегишилдири.

Судлар жавобгар Ў. томонидан уй-жой қурилганлиги даъвогар — М.нинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахл қилмаслиги сабабли ушбу талаб бўйича М. даъвогар бўла олмаслигига эътибор қаратмасдан, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хуло-сага келган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
Қ А Р О Р И

№I/2022

2022 йил 28 январь

№ РС-09-22

Тошкент шаҳри

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимиюти органлариiga ишончини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдади, 2021 йилда Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан жами 3356 таси шикоят ва протестлар ўрганиб чиқилган, шундан умумий мазмундаги мурожаатлар 2020 тани ташкил этган, улардан 657 таси рад қилинган, 754 таси қайтарилган, 548 тасига тушунтириш берилган, 55 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 6 таси юзасидан тақорорий кассация протести киритилган.

Шу жумладан, 2021 йилнинг тўртинчи чорагида 835 таси шикоят ва протестлар ўрганиб чиқилган, шундан умумий мазмундаги мурожаатлар 490 тани ташкил этган, улардан 138 таси рад қилинган, 227 таси қайтарилган, 117 тасига тушунтириш берилган, 4 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 4 таси юзасидан тақорорий кассация протести киритилган.

Судлов ҳайъати томонидан 2021 йилда биринчи инстанцияда идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш

тўғрисидаги 3 та иш кўрилган бўлиб, барча ишлар бўйича арз қилинган талабларни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилинган. 2021 йилнинг тўртинчи чорагида эса, биринчи инстанцияда ишлар кўрилмаган.

Апелляция тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқсан низолар юзасидан 2021 йилда 18 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган бўлиб, шундан тўртинчи чоракда 1 та иш кўрилган.

2021 йилда кассация тартибидаги мурожаатлардан 1336 таси кўриб чиқилган бўлиб, шундан 973 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 8 таси юзасидан суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 331 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 2 таси кўрмасдан қолдирилган, 22 таси юзасидан иш юритиш тугатилган. Шундан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида 345 та иш кўриб чиқилган бўлиб, шундан 272 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 5 таси юзасидан суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 65 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 3 таси юзасидан иш юритиш тугатилган.

Шунингдек, тақорорий кассация тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 2021 йилда 29 та оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқсан низолар кўрилган бўлиб, шундан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида 14 та иш кўриб чиқилган.

Судлар томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатларини тўлиқ аникламаслик оқибатида иш ҳолатларига мувофиқ бўлмаган холосага келиниши;

моддий ва (ёки) процессуал хуқуқ норма-

ларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги;

иш бўйича келтирилган аризадаги важларни тўлик муҳокама қиласмаслик;

маъмурий суд судловига тааллуқли бўлмаган аризаларни иш юритишга қабул қилиб, уларнинг мазмунан кўриб чиқилганлиги ва улар бўйича тегишли қарор қабул қилинганлиги;

шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган апелляция шикояти кўриб чиқилганлиги;

судга мурожаат қилиш муддати ўтиб кетган бўлса-да, муддат ўтганлиги сабаблари текширилмасдан ҳамда муҳокама қилинмасдан ишларни кўриб чиқиш ва арз қилинган талабларни қаноатлантириш;

низолашилаётган маъмурий органнинг қарори судга мурожаат қилган аризачининг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир доираси тегишли тартибида ўрганилмасдан, арз қилинган талабни қаноатлантириш;

ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида қўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда юқоридаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди

томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Кассация инстанцияси судида қуйи судлар қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида Навоий вилоятидан ташқари маъмурий суднинг ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолияти аниqlанмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида қўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида қўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Аҳборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий аҳборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Аҳборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва аҳборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Аҳборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг вебсайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Ф.Турсунов) ҳамда вилоят ва унга тенглashingтирилган судлар раислари зиммасига: ушбу суд амалиёти обзорини китобча шак-

лида чоп этиб, вилоятлар, туманлараро маъмурий судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини ҳамда суд амалиёти обзорини ўрганиш ва амалиётда фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан амалий чоралар қўрилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил февраль ойида** видеоконференцалоқа режимида интерфаол семинар машгулотини ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил маълумотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2022 йил 1 марта қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва унга тенглashingтирилган судларга, туманлараро маъмурий судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни қўришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чораларни қўриш учун юборилсан.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринbosари — маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси Р.Махмудова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурый ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

## О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судхуқуқ тизимини янада та-комиллаштириш ва судхокимияти органлариiga ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг маъмурый ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2021 йилда Олий суднинг маъмурый ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан жами 3356 та шикоят ва протестлар ўрганиб чиқилган, шундан умумий мазмундаги мурожаатлар 2020 тани ташкил этган, улардан 657 таси рад қилинган, 754 таси қайтарилиган, 548 тасига тушунтириш берилган, 55 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 6 таси юзасидан такrorий кассация протес-

ти киритилган.

Шу жумладан, 2021 йилнинг тўртинчи чорагида 835 та шикоят ва протестлар ўрганиб чиқилган, шундан умумий мазмундаги мурожаатлар 490 тани ташкил этган, улардан 138 таси рад қилинган, 227 таси қайtарилган, 117 тасига тушунтириш берилган, 4 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 4 таси юзасидан такrorий кассация протести киритилган.

Судлов ҳайъати томонидан 2021 йилда биринчи инстанцияда идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиб тўғрисидаги 3 та иш кўрилган бўлиб, барча ишлар бўйича арз қилинган талабларни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилинган. 2021 йилнинг тўртинчи чорагида эса, биринчи инстанцияда ишлар кўрилмаган.

Апелляция тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқсан низолар юзасидан 2021 йилда 18 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган бўлиб, шундан тўртинчи чоракда 1 та иш кўрилган.

2021 йилда кассация тартибидаги мурожаатлардан 1336 таси кўриб чиқилган бўлиб, шундан 973

таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 8 таси юзасидан суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 331 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 2 таси кўрмасдан қолдирилган, 22 таси юзасидан иш юритиш тугатилган. Шундан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида эса, кассация тартибида 345 та иш кўриб чиқилган бўлиб, шундан 272 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 5 таси юзасидан суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 65 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 3 таси юзасидан иш юритиш тугатилган.

Шунингдек, такrorий кассация тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 2021 йилда 29 та оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқсан низолар кўрилган бўлиб, шундан 2021 йил тўртинчи чорагида 14 та иш кўриб чиқилган.

Таҳлил натижаларига кўра, ўрганиш даврида биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан аксарият ҳолларда ишлар тўғри ҳал этилган бўлса-да, баъзи ҳолатларда қуйидаги моддий ва процессуал қонун нормалари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

**1. Моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2020 йил 24 ноябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган туман маъмурий судининг 2020 йил 13 октябрдаги ҳал қилув қарори билан аризачи — Н.Б.нинг туман ҳокимлиги зиммасига турар жойнинг бир қисмига эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 6 декабрдаги қарори билан биринчи ва апелляция инстанциясининг суд қарорлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Н.Б судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимлиги зиммасига турар жойнинг бир қисмига эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклашни сўраган. Бироқ биринчи ва апелляция инстанцияси судлари аризани қаноатлантириб, нотўғри хулосага келган.

Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг хулосалари билан қўйидаги асосларга кўра келишмаган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (бундан бўён матнда МСИЮтК деб юритилади) 26-моддаси би-

ринчи қисмига кўра, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир (бундан Конституциявий суд, фуқаролик ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно).

Ушбу кодекснинг 27-моддаси 2-бандига кўра, маъмурий судлар давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаoliyatни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан бўён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуqlари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, харакатлари (харакатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал этади.

Мазкур кодекснинг 189-моддаси бешинчи қисмига кўра, қарор ҳақиқий эмас, харакатлар (харакатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли орган ёки ман-

сабдор шахснинг зиммасига қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш мажбуриятларини юклайди.

МСИЮтКнинг 26, 27-моддаларига мувофиқ, маъмурий органнинг маъмурий ҳужжатлари ёки улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари маъмурий суд ишларини юритишнинг обьекти бўлиб, бирор-бир маъмурий органга мажбурият юклаш талаби суд ишини юритишнинг обьекти ҳисобланмайди.

Мажбурият юклаш маъмурий суд ишларини юритишида ариза предмети бўлмай, у МСИЮтКнинг 189-моддасига асосан қарор ҳақиқий эмас ёки хатти-ҳаракатлар қонунга хилоф деб топилганда суд томонидан қўлланиладиган ҳуқуқни тиклаш усули бўлиб ҳисобланади. Яъни ушбу кодекс талабларига кўра, суд маъмурий органнинг ҳужжатини ҳақиқий эмас ёки улар мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топмасдан туриб, ҳуқуқни тиклаш усулини қўлламайди.

Қуий инстанция судлари томонидан процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри

қўлланилиб, аризани қаноатлантириш ҳақида асосиз хulosага келинган.

Кассация судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, маъмурий иш бўйи-

ча иш юритишни тугатиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

## **2. Ваколатсиз шахс томонидан имзоланган ариза судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилмаслиги лозим.**

Апелляция инстанцияси нинг 2021 йил 10 августдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2020 йил 20 майдаги ҳал қилув қарори билан "I-R" хусусий корхонасининг шаҳар ҳокимининг 2020 йил 10 сентябрдаги 311-сонли ва 2020 йил 30 сентябрдаги 422-сонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидағи аризаси рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг 2021 йил 23 ноябрдаги қарори билан ушбу суд қарорлари бекор қилиниб, аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Кассация инстанцияси судининг бундай хulosага келишига судлар томонидан процессуал ҳуқук нормалари бузилганлиги сабаб бўлган.

Биринчидан, "I-R" хусусий корхонаси номидан ариза корхона иш бошқарувчиси Г.Р. томонидан

имзоланган ва аризага "I-R" хусусий корхонаси раҳбари томонидан Г.Р.га берилган ишончнома ишбу қилинган. Бироқ ушбу ишончномада Г.Р.га корхона номидан ариза ва шикоятларни имзолаш ваколати берилмаган.

Иккинчидан, Г.Р.га берилган ишончноманинг берилган куни кўрсатилмаган. Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 139-моддаси иккинчи қисмига кўра, берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 105-моддаси 2-бандига кўра, суд ариза (шикоят) имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдириши кўрсатилган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 105-моддасида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, суд аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдириши ва бу ҳақда ажрим чиқариши тўғрисида Олий суд Пленумининг 2018 йил 19 майдаги "Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 15-сонли қарори 23-бандида тушунтириш берилган.

Бироқ биринчи ва апелляция инстанцияси судларида ишни кўришда ушбу ҳолатларга эътибор қаратилмаган ва ваколатсиз шахс томонидан имзоланган ариза мазмунан кўриб чиқилишига йўл қўйилган.

Ишни кўришда суд томонидан процессуал ҳуқук нормалари бузилганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилиниб, ариза кўрмасдан қолдирилган.

## **3. Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинмаслиги лозим.**

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 10 июндаги ҳал қилув қарори билан "B-B-S-S" масъулияти чекланган жамиятининг Давлат божхона қўмитасининг хатини фай-

риқонуний деб топиш тўғрисидаги талаби рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 20 августандаги қарори билан биринчи инстанция суди-

нинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талабни қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Кассация инстанцияси судининг 2021 йил 3

ноябрдаги қарори билан биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилишига Давлат божхона қўмитаси ишга жалб этилмаганлиги, бу ҳолатга

Суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилишига Давлат божхона қўмитаси ишга жалб этилмаганлиги, бу ҳолатга

апелляция инстанцияси суди томонидан ҳам эътибор қаратилмаганлиги, натижада ушбу жавобгарнинг ҳуқук ва мажбуриятларига доир масала ҳал этилганлиги асос бўлган.

#### **4. Қонунчилик ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганини натижасида моддий ҳуқук нормасининг бузилиши биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Аризачи — вилоят адлия бошқармаси хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.У.нинг бошқарма томонидан 2020 йил 20 апрелда берилган NA 0019-сонли лицензиясini бекор қилиш ҳақидағи ариза билан судга мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 7 майдағи ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 25 июндаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси суди қуии судларнинг ҳужжатларини бекор қилиб, арз қилинган талабни қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Аниқланишича, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.У. томонидан 2020 йил 22 сентябрда сотувчи — Ж.Д. билан сотиб оловчи унинг ўғли Б.Д. ўртасида қурилиши тугалланмаган турар жой олди-сотди шартномасини тасдиқлашга оид нотариал ҳаракат

амалга оширилган. Ваҳоланки, сотувчи Ж.Д. бундан бир йил аввал, яъни 2019 йил 27 сентябрда вафот этган.

Натижада шартномани сотувчи сифатида Ж.Д. эмас, балки унинг келини Ж.Д.нинг номидан имзоланишига йўл қўйилган.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, 2021 йил 26 мартағи хulosада нотариус томонидан "Нотариат тўғрисида"ги қонун ҳамда "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талаблари бузилганлиги ҳақидағи хulosaga келинган.

Натижада вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 29 мартағи 2-сонли йигилиш қарорига асосан нотариус А.У.га берилган лицензиянинг амал қилиши олти ой мuddатга тўхтатилиб, лицензиянинг амал қилиншини тугатиш бўйича маъмурий судга ариза киритишга қарор қилинган.

Қуии судлар "Қорақалпогистон Республикаси

Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисида"ги Низомнинг 26-бандини нотўғри талқин этган ҳолда, олди-сотди шартномасини расмийлаштириш билан боғлиқ нотариал ҳаракат бошқа шахс томонидан эмас, балки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.У.нинг ўзи томонидан амалга оширилганлиги, шартномага сотувчининг ўрнига бошқа шахс имзо қўйганлиги ҳолати нотариус томонидан техник хато ва янгилиши натижасида йўл қўйилганлиги ҳамда қўпол қоидабузарлик ҳисобланмаслиги ҳақида нотўғри хulosага келинган.

Ваҳоланки, мазкур ҳолатда нотариус нотариал ҳаракатни вафот этган шахснинг номидан бошқа шахс амалга оширишига йўл қўйган бўлиб, Низомнинг 26-бандида ушбу ҳолат бир марта қўпол равишда қоидабузарлик соидир этиш деб ҳисобланishi, "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 153-моддасида нотариус томони-

дан нотариат тўғрисидаги қонун хужжатлари талаблари бир марта қўпол ра-вишда бузилганда лицензиянинг амал қилишини маъмурий суд томонидан тутатилиши кўрсатилган.

Нотариус томонидан йўл қўйилган ушбу қонун бузилиши ҳолати натижа-сида вафот этган шахснинг мулки қонунга зид

равишда тасарруф этилишига сабаб бўлган. Ваҳо-ланки, ушбу ҳолатда битим предмети бўлган кўчмас мулкнинг тақдири мерос массаси сифатида барча меросхўрлар жалб қилинган ҳолда ме-рос қонунчилиги асосида ҳал этилиши лозим бўлган.

Шунга кўра, судлов

ҳайъати қуи судлар қонунчилик хужжатини но-тўғри талқин этиши нати-жасида моддий ҳуқук нормасининг бузилишига йўл қўйганликлари сабабли суд ҳужжатларини бекор қилишни ва иш бўйича арз қилинган талабни қаноатлантириш тўғриси-да янги қарор қабул қи-лишни лозим топди.

### **5. Ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикояти суд томонидан асоссиз равиша қайтарилганлиги апелляция инстанцияси суди-нинг ажримини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Аризачи — 50-умумий ўрта таълим мактаби но-мидан мактаб директори Ф.Н. судга ариза билан му-рожаат қилиб, жавобгар — халқ таълими бўлими уму-мий ўрта таълим мактаб-ларини аттестациядан ўт-казиш комиссиясининг 2021 йил 15 февралдаги 2-сонли йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция су-дининг 2021 йил 20 майдаги ҳал қилув қарори билан аризачининг шикояти қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 30 июн-даги ажрими билан жа-вобгар — халқ таълими бўлими умумий ўрта таъ-лим мактабларини атtes-тациядан ўтказиш комис-сиясининг берган апелля-ция шикояти қайтарилган.

Кассация инстанцияси судининг 2021 йил 20 де-кабрдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, шикоят кўриб чи-киш учун апелляция ин-

танцияси судига юборил-ган.

Иш ҳужжатларига кўра, биринчи инстанция суди-нинг ҳал қилув қарори 2021 йил 17 майда қабул қилинган бўлиб, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 165-моддаси биринчи қисмига кўра, ҳал қилув қарори, агар унинг устидан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, у қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ўтгач, қонуний кучга киради.

Суднинг ҳал қилув қарори 2021 йилнинг 17 май ойида қабул қилинган ва юқорида қайд этилган қонун нормасига кўра, 2021 йил 17 июнда қону-ний кучга кириши лозим. Апелляция шикояти эса, 2021 йил 15 июнда, яъни ҳал қилув қарори қонуний кучга кирмасдан берилган. Апелляция шикояти почта орқали юборилган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги ко-декснинг 117-моддаси ет-

тинчи қисмига кўра, агар ариза (шикоят) ва бошқа ҳужжатлар почтага топши-рилган, электрон ҳужжат тарзида юборилган, тегишли органга ёхуд уларни қабул қилиб олиш вакола-тига эга бўлган шахсга процессуал муддатнинг охирги куни соат йигирма тўртга қадар берилган бўлса, муддат ўтказиб юборилган деб ҳисоблан-майди.

Бироқ апелляция инстан-цияси суди қонуннинг уш-бу нормасига зид равиша-да жавобгар — туман халқ таълими бўлими умумий ўрта таълим мактабларини аттестациядан ўтказиш комиссиясининг апелляция шикоятини 2021 йил 30 июндаги ажрим билан қайтарган.

Бундай ҳолатда апелля-ция шикоятини қайтариш тўғрисидаги ажрим асос-ли ва қонуний бўлмаган-лиги сабабли, у бекор қилиниб, апелляция шикоя-ти апелляция инстанцияси судига кўриш учун юборил-ган.

## **6. Биринчи инстанция суди томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ текшириб чиқилиб, қонуний ва асосли қабул қилинган бўлса, ўз кучида қолдирилади.**

Аризачи — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил "ГҚМ" масъулияти чекланган жамияти манфаатини кўзлаб, судга ариза билан мурожаат қилиб, Б. тумани ҳокимининг 2021 йил 12 январдаги 6-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни ва ер майдонини жамиятга қайташ мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 10 апреддаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 8 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Кассация инстанцияси судининг 2021 йил 12 декабрдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Б. тумани ҳокимининг 2009 йил 19 ноябрдаги 2611-сонли қарорига асосан "Н." маҳалла фуқаролар йигини, "Ю." қишлоғида жойлаш-

ган 2,5 га ер майдони "LBSO" масъулияти чекланган жамиятига ўрмон дараҳтлари экиш ва ободонлаштириш учун ажратилган.

2010 йил 30 сентябрда "LBSO" масъулияти чекланган жамияти номи 2942-сонли юридик шахсни давлат рўйхатидан ўtkазиш тўғрисидаги гувоҳномага асосан "ГҚМ" масъулияти чекланган жамияти деб ўзгартирилган.

Б. тумани ҳокимининг 2010 йил 19 ноябрдаги 1316-сонли қарорига асосан "ГҚМ" масъулияти чекланган жамиятига ўрмон дараҳтлари экиш ва ободонлаштириш учун ажратилган 2,5 га ер майдонида замонавий коттеж типидаги дам олиш маскани қурилишини лойиҳалаштиришга рухсат берилган.

Б. тумани прокурори томонидан 2020 йил 30 декабрда Б. тумани ҳокими номига туман ҳокимининг 2009 йил 19 ноябрдаги 2611-сонли ва 2010 йил 19 ноябрдаги 1316-сонли қарорларини бекор қилиш ҳақида 11-20-сонли протест киритилган.

Б. туманида жисмоний ва юридик шахсларга ер қонунчилиги, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида ер участкаларини бериш амалиётини ўрганиш бўйича доимий ишловчи комиссия-

нинг 2021 йил 8 январда ўтказилган навбатдан ташқари мажлисида ушбу протест кўриб чиқилган ва туман ҳокимининг протестда кўрсатилган қарорларини бекор қилиш маъқулланган.

Б. тумани ҳокимининг 2021 йил 11 январдаги 5-сонли қарори билан туман прокурорининг протести ҳамда Б. туманида доимий ишловчи комиссиянинг 2021 йил 8 январдаги инифиши баённомаси ижро учун қабул қилиниб, туман ҳокимининг 2009 йил 19 ноябрдаги 2611-сонли ва 2010 йил 19 ноябрдаги 1316-сонли қарорлари бекор қилинган.

Ушбу қарордан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил "ГҚМ" масъулияти чекланган жамияти манфаатини кўзлаб, судга ариза билан мурожаат қилган ва уни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди арз қилинган талабларни муҳокама қилиб, туман ҳокими томонидан қарор қабул қилишда Ер кодексининг 36, 38-моддалари талаблари бузилган, деган хуносага келган ва ушбу қарорни ҳақиқий эмас, деб топган.

Бундан ташқари бирин-

чи инстанция суди аризани қаноатлантириш ҳақида хulosага келишда, туман ҳокимлиги томонидан "Маъмурий тартиб-тамомиллар тўғрисида"ги қонун талаблари ҳам қўпол равиша бузилган деб топган.

Апелляция инстанцияси суди эса, биринчи инстанция суди туман ҳокимининг қарорлари ўша даврда амалда бўлган қонун талаблари бузилган ҳолда қабул қилинганини назардан четда қодирганига эътибор қаратмай, туман ҳокимининг низолашилган қарори қабул қилиниши асосларини муҳокама қилмасдан, иш бўйича барваҳт хulosага келган деб ҳисоблаган ва Вазирлар Махкамасининг 1992 йил 27 майдаги 248-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини олиб қўйиш ва уларни қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун беришга доир материаларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларини инобатга олган ҳолда, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилиб, хатоликка йўл қўйган.

Б. тумани прокурорининг туман ҳокими номига киритган 2020 йил 30 декабрдаги 11-20-сонли протестида "LBSO" масъулияти чекланган жамиятига ер майдони Ер кодексининг 6-моддаси та-

лаблари бузилган ҳолда доимий фойдаланишга ажратилгани, ушбу кодекснинг 36-моддаси талабларидан келиб чиқиб, корхона ер майдонидан самарали фойдаланмаётгани, шунингдек, мазкур кодекснинг 31-моддаси талабларидан келиб чиқиб, аризачининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмагани қайд этилган.

Б. тумани ҳокимининг 2021 йил 4 январдаги низолашилаётган 5-сонли қарори билан протест ҳамда ишчи комиссиясининг йиғилиш баёни маълумот ва ижро учун қабул қилиниб, туман ҳокимининг 2009 йил 19 ноябрдаги 2611-сонли ҳамда 2010 йил 19 ноябрдаги 1316-сонли қарорлари Ер кодексининг 36-моддаси биринчи қисми 6-10-бандлари, 38-моддаси ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига асосан бекор қилинган.

Ер кодексининг 6-моддаси 2008 йил ноябрь ойи ҳолатидаги таҳририга кўра, туман ҳокимлари фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек, тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган сугориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва

бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш — ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда бериш ваколати мавжуд бўлган бўлиб, шу асосларга кўра, бу қарорни Ер кодексининг 6-моддаси талабларига зид деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлмаган.

Ер кодексининг 36-моддасида ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бекор бўлишига оид нормалар белгиланган бўлиб, ушбу модда биринчи қисми 6-11-бандларида кўрсатилган асосларга кўра, ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ушбу кодекснинг 38-моддасига мувофиқ ер участкасини олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритиш орқали амалга оширилиши лозим бўлса-да, туман ҳокимлиги аризачига оид қарорларни ушбу моддаларга кўрсатилган асосларга кўра бекор қилишда бу тартибга ҳам риоя этмаган ва биринчи инстанция суди томонидан ушбу ҳолат инобатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли Фармони 1-бандида ҳам давлат органи (мансадор шахс)нинг маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи, агар у инсоф-

ли инвестор ва тадбиркорлик субъектининг қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, суд тартибида кўриб чиқилиши лозимлиги белгиланган бўлиб, бу ҳолат ҳам туман ҳокимлиги томонидан қарор қабул қилинишида инобатга олинмаган.

Биринчи инстанция суди айнан ушбу ҳолатларни, яъни аризачига ер майдони ажратиш ҳақида ги қарорларни бекор қилишда туман ҳокимлиги томонидан Ер кодексининг 36, 38-моддалари ҳамда "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун талаблари бузилганинига асосланган, шунингдек, аризада ҳам асос сифатида туман ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли Фармони ҳамда "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун талаблари бузилганинига кўрсатилган бўлсада, апелляция инстанцияси суди ушбу асосларга баҳо бермасдан,

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 27 майдаги 248-сонли (2011 йил 25 майга қадар амалда бўлган) қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ер участкалари ни олиб қўйиш ва уларни қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун беришга доир материаларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларидан келиб чиқиб, қурилишни лойиҳалаш ҳамда бу ишларни келишиб олиш учун ер участкаси танланмаган, лойиҳалаш ишлари якунланмаган ва қурилишни бошлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинмаган, вилоят ҳокимлиги томонидан ер ажратиш лойиҳалари тасдиқланмаган, 2,5 гектар ердан корхона 11 йил давомида белгиланган мақсадларда фойдаланмай келган деб ҳисоблаб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Мазкур Низом талаблари туман ҳокимининг 2010 йил 19 ноябрдаги 1316-

сонли қарорига оид бўлиб, апелляция инстанцияси туман ҳокимининг қарорига баҳо беришда ушбу қарор бекор қилинishi айнан қайси қонун нормаларига мувофиқлигини ўз қарорида асослантирмаган.

Шу билан бирга апелляция инстанцияси суди томонидан аризада кўрсатилган асосларга ҳамда биринчи инстанция суди томонидан қўлланилган моддий ҳуқуқ нормалари га улар низога нисбатан қанчалик тўғри қўлланилганлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга нотўғри баҳо берилиб, моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри талқин қилинганлиги сабабли, ҳал қилув қарори асоссиз бекор қилингани боис, кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирган.

## **7. Процессуал ҳуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги (нотўғри талқин қилинганлиги) суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Апелляция инстанцияси судининг 2021 йил 10 сентябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2021 йил 30 июлдаги ажрими билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг "С." масъулияти чекланган жамияти манфаатини

кўзлаб, судга ариза билан мурожаат қилган ва жавобгар — З. тумани ҳокимлигининг 2013 йил 30 марта даги 279-сонли ва 2015 йил 5 майдаги 334-сонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Кассация инстанцияси

судининг 2021 йил 3 деқабрдаги қарори билан биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанцияга юборирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий

бошқармаси "С." масъулияти чекланган жамияти манфаатини кўзлаб, жавобгар — З. тумани ҳокимлигининг 2013 йил 30 мартағи 279-сонли ва 2015 йил 4 майдаги 334-сонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ариза билан 2021 йил 21 июнь куни туманлараро маъмурий судга мурожаат қилган.

Туманлараро маъмурий суднинг 2021 йил 18 июляғи ажрими билан ариза бўйича маъмурий иш қўзғатилиб, ишни қўриш 2021 йил 28 июль кунига тайинланган ҳамда мазкур ажримнинг нусхаси тарафларга почта орқали жўнатилган.

2021 йил 28 июль кунига тайинланган суд мажлисига аризачи — Савдо-саноат палатаси ҳамда "С." масъулияти чекланган жамиятининг вакиллари келмаганлиги сабабли, биринчи инстанция суди Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 105-моддаси 3-бандига асосан аризани кўрмасдан қолдирган.

Апелляция инстанцияси суди тарафлар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда почта орқали огоҳлантирилгани, лекин судга келмаганлиги боис, биринчи инстанция суди аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида қонуний ва асосли хulosага келган, деб ҳисоблаб, ажримни ўзгаришсиз қолдирган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги

кодекснинг 105-моддаси 3-бандига, агар аризачи биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса, суд аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдириши белгиланган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 124-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамаси вақти ва жойи тўғрисида суд ажрими орқали хабардор қилинади, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки ушбу шахсларга тилхат олиб топширилади ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилинади. Маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари суд ажрими орқали, зарур ҳолларда эса, чақиравуб қофозлари, телеграммалар, факслар, телетайплар ҳамда бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва судга чақирилади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасига мувоғик, агар суд маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу кодексда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълу-

мотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Мазкур маъмурий иш хужжатларида суднинг ажрими тарафларга почта орқали юборилганлиги тўғрисида маълумотлар бўлса-да, бироқ аризачи ва корхона мазкур ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги тўғрисида бирон-бир маълумот мавжуд эмас. Бундай ҳолатда аризачи ва масъулияти чекланган жамияти суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган, деб бўлмайди.

Бундан ташқари мазкур ишни кассация инстанциясида қўриш жараёнида "С." масъулияти чекланган жамиятининг вакили почта конвертини тақдим қилган ва ушбу конвертга қараганда, суднинг ишни 2021 йил 28 июль кунига тайинлаш ҳақидаги ажрими "С." масъулияти чекланган жамияти жойлашган ҳудудий алоқа бўлимига 2021 йил 30 июль куни келиб тушган ва жамиятга 2021 йил 31 июль куни кирим қилинган.

Кассация инстанцияси суди қуйи судларнинг аризачи узрсиз сабабларга кўра, суд мажлисига келмаганлиги ҳақидаги хulosаси билан келишмаган ва биринчи ҳамда апелляция инстанцияси судларнинг хужжатларини бекор қилиб, ишни мазмунан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

2022 йил 28 январь

№ РС-10-22

Тошкент шаҳри

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2021 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари кассация тартибида қайта кўрилган.

2021 йилнинг тўртинчи чорагида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг биринчи инстанция иш юритувида ҳисобот даврининг бошига 3 та иш қолдиқда бўлиб, ҳисобот даврида 2 та даъво аризаси келиб тушган ва улардан 1 таси қайтарилган, 2 та иш кўрилиб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган. 3 та иш ҳисобот даврининг охираiga қолдиқда қолган.

2021 йилнинг тўртинчи чорагида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига 257 та

апелляция шикояти келиб тушган ва улардан 69 таси қайтарилган, 31 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 157 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилиниб, 132 таси кўриб чиқилган. Улардан: 73 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилиб, 17 таси бўйича суд ҳужжати ўзгартирилган ва 42 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, шундан 12 таси бўйича иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган, 24 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, шундан 3 таси бўйича даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган ва 3 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 25 та шикоят (протест) ҳисобот даврининг охираiga қолдиқда қолган, шундан 1 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек, Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг биринчи инстанцияда кўрилган ишлардан 1 таси апелляция тартибида кўрилиб, қабул қилинган қарор ўзгартирилган.

Ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 64 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 2137 та кассация шикоятлари (протестлари) келиб тушган.

Улардан 651 та шикоят қайтарилган, 193 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 5 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 1288 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

1140 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан 665 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 78 та суд ҳужжати ўзгартирилган, 397 та суд ҳужжати эса, бекор қилинган. Шундан 215 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати бекор қилиниб, иш

янгидан кўриш учун юборилган, 120 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 38 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 6 таси бўйича давво кўрмасдан қолдирилган ва 18 таси бўйича иш юритиш тугатилган. Шулар жумласидан, Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг биринчи инстанцияда кўрилган ишлардан 8 таси кассация тартибида кўрилиб, 1 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 7 та суд ҳужжати бекор қилиниб, 5 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 2 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 4 таси бўйича эса, апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган.

212 та шикоят (протест) ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 11 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида ишни кассация тартибида такорран кўриш тўғрисида 37 та протест келиб тушган ва улардан 34 таси кўриб чиқилиб, 2 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 4 таси бўйича қабул қилинган суд ҳужжати ўзгартирилган, 28 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати бекор қилинган ва улардан 18 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 10 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, улардан 7 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган ва 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 3 та протест ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан жами 54 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 25 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (17 та қонун ва 8 та меъёрий ҳужжатлари), 9 та Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этилган. Иқтисодий судлар томонидан ўтган давр давомида кўрилган ишлар юзасидан суд амалиёти бўйича жами 4 та (шу жумладан, режадан ташқари 1 та, иқтисодий судлар томонидан 2019-2020 йиллар ва 2021 йилнинг ўтган даври давомида коммунал қарздорликларни ундириш билан боғлиқ кўрилган ишлар юзасидан) умумлаштиришлар ўтказилган.

Бундан ташқари 2021 йилнинг ҳар чорак якуни натижалари юзасидан иқтисодий иш-

лар бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида кўрилган ишлар юзасидан суд амалиёти обзорлари тайёрланиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қўйидаги айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд ҳужжатлари ўзгарилилган ва бекор қилинган.

Жумладан, суд ишни кассация тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини иш материаллари бўйича текшириши зарурлиги;

битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги давво бўйича ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида суд битимнинг барча тарафлари ва бошқа манфаатдор шахсларни ишга жалб қилиш масаласини кўриб чиқиши лозимлиги, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлиши, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ ўрганилмаганлиги ва ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмасдан моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланилишига йўл қўйиш ҳолатлари;

банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлариға мувофиқ суд бошқарувчиси банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлашга доир ҳаракатларни амалга ошириши ва чора-тадбирлар кўриши ҳамда улар ҳақида кредиторлар йигилишига, иқтисодий судга, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шартлиги;

қарздорнинг аризасига кўра, банкротлик тўғрисида иқтисодий суд томонидан иш қўзғатишининг барча ҳолатларида сохта банкротлик аломатларини аниқлаш суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилиши ҳамда кузатув тартиботи жараёнида рўёбга чиқарилиши кераклиги;

бошқа шахсларнинг пул маблағларини

ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш пул мажбуриятини бажармаганлик учун қўлланиладиган мулкий жавобгарлик бўлиб ҳисобланиши лозимлиги;

тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса ёки ушбу кодекс ва бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги;

агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис хужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёинки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлса, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш бел-

гиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги тўғрисидаги моддий ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлигига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари химоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳукуқбузарликларнинг олди олинишини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Аҳборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий аҳборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Аҳборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва аҳборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Аҳборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг вебсайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Б.Сайфуллаев) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раиси

лари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоятлар, туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил февраль ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машгулотини ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил аҳборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2022 йил 1 мартаға қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсан.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси Б. Исаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

Олий суд Раёсатининг 2022 йил 28 январдаги  
PC-10-22-сонли қарорига ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан

### 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

## О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судхуқуқ тизимини янада та-комиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июлдаги PC-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2021 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил давомидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари кассация тартибида қайта кўрилган.

2021 йил давомида иқти-

содий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг биринчи инстанция иш юритувида ҳисобот даврининг бошига 3 та иш қолдиқда бўлиб, ҳисобот даврида 2 та даъво аризаси келиб тушган ва улардан 1 таси қайтарилиган, 2 та иш кўриб чиқилиб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган. 3 та иш ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

2021 йил давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига 257 та апелляция шикояти келиб тушган. Улардан: 69 таси қайтарилиган, 31 тасини қабул қилиш рад этилган, 157 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилиниб, 132 таси кўриб чиқилган ва улардан 73 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилиб, 17 таси бўйича суд ҳужжати ўзгартирилган ва 42 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, шундан 12 таси бўйича иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган, 24 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, шундан 3 таси бўйича даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган ва 3 таси бўйича иш юритиш тутатилган. 25 та шикоят (протест) ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган, шундан 1 таси

бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек, Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг биринчи инстанцияда кўрилган ишлардан 1 таси апелляция тартибида кўрилиб, қабул қилинган қарор ўзгартирилган.

Ҳисобот даврининг бошида қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 64 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 2137 та кассация шикояти (протести) келиб тушган.

Улардан 651 та шикоят қайтарилиган, 193 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 5 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 1288 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

1140 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан 665 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 78 та суд ҳужжати ўзгартирилган, 397 та суд ҳужжати эса, бекор қилинган. Шундан 215 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 120 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 38 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжа-

ти ўз кучида қолдирилган, 6 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 18 таси бўйича иш юритиш тугатилган. Шулар жумласидан, Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг биринчи инстанцияда кўрилган ишлардан 8 таси кассация тартибида кўрилиб, 1 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 7 та суд ҳужжати эса, бекор қилиниб, 5 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 2 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 4 таси бўйича эса, апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган.

212 та шикоят (протест) ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, шундан 11 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида 37 та протест келиб тушган ва улардан

34 таси кўриб чиқилиб, 2 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 4 таси бўйича қабул қилинган суд ҳужжати ўзгартирилган, 28 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати бекор қилинган ва улардан 18 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 10 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, улардан 7 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган ва 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 3 та протест ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан жами 54 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 25 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (17 та қонун ва 8 та меъёрий ҳужжатлар), 9 та Олий суд Пленуми қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этилган. Иқтисодий судлар томонидан ўтган давр давомида кўрилган ишлар юзасидан суд амалиёти бўйича жами 4 та (шу жумладан, режадан ташқари 1 та,

иқтисодий судлар томонидан 2019-2020 йиллар ва 2021 йилнинг ўтган даври давомида коммунал қарздорликларни ундириш билан боғлиқ кўрилган ишлар юзасидан) умумлаштиришлар ўтказилган.

Бундан ташқари 2021 йилнинг ҳар чорак якуни натижалари юзасидан иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида кўрилган ишлар юзасидан суд амалиёти обзорлари тайёрланиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Фуқаролик кодекси (бундан кейин матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунишиларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

## **I. Процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти**

### **1. Суд ишни кассация тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини иш материаллари бўйича текширади.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) "СА." масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъ-

вогар ёки масъулияти чекланган жамият деб юритилади) манфаатини кўзлаб, жавобгар — "O'zagrolizing" АЖ (бундан буён матнда жавобгар ёки АЖ деб юритилади), учин-

чи шахс "Х." ММТП масъулияти чекланган жамиятига (матнда учинчи шахс деб юритилади) нисбатан туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавоб-

гарнинг ғайриқонуний эгалигидан даъвогарга 2 дона трактор ва 2 дона комбайнни олиб бериш, 228 247 353 сўм пеня ундириш, тарафлар ўртасида тузилган шартномаларнинг 12.2-бандидаги лизинг тўловлари "лизинг олувчи томонидан шартномада белгиланган икки мартадан ортиқ муддат мобайдина тўланмаган тақдирда" деган сўзларни чиқарип ташлашни сўраган.

Шунингдек, Палата даъвогар манфаатини кўзлаб, судга қўшимча даъво аризаси тақдим этиб, "O'zagrolizing" вилоят филиали ва "К." масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда қўшимча жавобгар деб юритилади) ўртасида 2020 йил 18 майда тузилган 2 дона "Т 6070" русумли тракторни ва 2 дона "Доминатор" русумли комбайнни лизингга бериш шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 50 000 000 сўм пеня ундирилган. Лизинг филиали ва масъулияти чекланган жамият ўртасида 2020 йил 18 майда тузилган қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга бериш шартномалари ҳақиқий эмас, деб топилган. Даъвогар ва "К." масъулияти чекланган жамиятининг ғайриқонуний эгалигидан даъвогарга 2 дона трактор ва 2 дона комбайн олиб берилган.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Вилоят иқтисодий суди кассация инстанциясининг 2020 йил 12 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси номидан ишончнома асосида фаолият юритган вилоят филиали (лизинг берувчи) ва учинчи шахс (лизинг олувчи) ўртасида 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномасига асосан лизинг берувчи "Доминатор-130" русумли 2 дона фалла ўриш комбайнини лизинг олувчининг буюртмаси асосида "ЎзКЛАСС Агро" қўшма корхонаси (Сотувчи)дан ўз мулки этиб сотиб олиш ва лизинг олувчига лизинга бериш, лизинг олувчи эса, ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш, лизинг тўловларини тўлиқ тўланганидан кейин техникага мулк ҳуқуқини ўзига қабул қилиш мажбуриятини олган.

Мазкур шартнома шартларига асосан лизинг обьекти 5 йил муддатга, йиллик 16 фоиз миқдорида лизинг маржаси тўлаш шарти билан лизинг фоизи ҳисобга олинган ҳолда 654 012 106 сум қийматда берилиши келишилган.

Даъво аризасида келтирилган важларга кўра, ҳар икки лизинг шартномалари бўйича лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари учинчи шахсдан даъвогарга ўтказилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, 2018 йил 30 октябрда учинчи шахс (Ўтказувчи-лизинг олувчи), даъвогар (Қабул қилувчи-лизинг олувчи) ва жавобгарнинг

вилоят филиали (лизинг берувчи) ўртасида лизинг шартномаси бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан бошқа шахс фойдасига тўлиқ воз кечиш тўғрисида шартнома тузилган бўлиб, унга кўра, ўтказувчи-лизинг оловучи 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномасидаги ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан "қабул қиливчи-лизинг оловучи" фойдасига тўлиқ воз кечган.

Бироқ даъвогар томонидан 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномаси бўйича лизинг оловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари даъвогарга ўтганлигини тасдиқловчи шартнома судга тақдим этилмаган. Иш ҳужжатларида бундай келишув мавжуд эмас.

Судда жавобгар вакили берган тушунтиришларга кўра, 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар даъвогарга ўтмаган ва ушбу шартнома 2016 йил 30 июнда тарафларнинг келишуви билан бекор қилинган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъвогарнинг 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар унга ўтганлиги тўғрисидаги важларининг асослилиги ва қонунийлигини ўрганилмаган ҳолда ҳал қилив қарори қабул қилинган, ўз навбатида, кассация инстанция суди ушбу ҳолатга эътибор бермаган.

Бундан ташқари даъво-

гар томонидан судга тақдим этилган 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномаси нусхасида лизинг берувчи "New Holland T6070 4WD" русумли 2 дона тракторни лизинг оловчига лизингга беришини ўз зиммасига олган.

Бироқ кассация инстанцияси жавобгар томонидан тақдим этилган 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномасининг асл нусхасида лизинг берувчи "New Holland T6070 4WD" русумли 1 дона тракторни лизинг оловчига лизингга беришини ўз зиммасига олганлиги қайд этилган.

Кассация инстанцияси суди даъвогар ва жавобгарда лизинг шартномасининг икки хил матнадаги нусхалари мавжудлиги ва улар билан боғлик иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатга аниқлик киритмасдан, даъвогардан лизинг шартномасининг аслини талаб қилиб олиб, қонунийлигини ўрганиш чорасини кўрмасдан, даъвогар тақдим этган шартнома нусхаси билан чекланиб, қарор қабул қилган.

Бундан ташқари даъвогар томонидан 2016 йил 17 февралда тузилган ва 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзига ўтганлигини асос қилиб, даъво талабини билдирган бўлса-да, кассация инстанция суди даъвонинг асосига алоқаси бўлмаган 2016 йил 13 июнда тузилган лизинг шартномаси ва унга 2016

йил 31 декабрда киритилган қўшимча келишувга асосланиб, ишни қўриб чиқкан.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилишда жавобгар томонидан тақдим этилган 2016 йил 18 апрелда тузилган лизинг шартномаси ва ушбу шартноманинг даъвогар тақдим этган нусхасида шартнома шартлари турлича эканлигига ҳуқуқий баҳо бермаган, даъвогар даъво талабига асос қилиб келтирган 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар даъвогарга ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олиш чорасини кўрмасдан, жавобгарнинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсга ўтмаганлиги ва шартнома тарафларнинг келишуви билан бекор қилинганлиги тўғрисидаги важларига тегишли баҳо бермасдан, шунингдек, қарор қабул қилишда даъвогар томонидан даъво асосига алоқаси бўлмаган бошқа лизинг шартномасини муҳокама қилиб, қарор қабул қилган.

Шунинг учун судлов ҳайъати Палатанинг худудий бошқармаси кассация шикоятини қисман қаноатлантириш, кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ишни апелляция тартибида янги-

дан кўриш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

Ишни янгидан кўришда апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг 2016 йил 17 февралда тузилган лизинг шартномаси амалда эканлиги, ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар даъвогарга қонуний асосларда ўтган ёки ўтмаганлиги, 2016 йил 18

апрелда тузилган лизинг шартномасининг даъвогар ва учинчи шахсада мавжуд бўлган асл нусхасини талаб қилиб олиб, тарафлар тақдим этган лизинг шартномаси шартларига қонуний баҳо бериб, ушбу шартнома билан тарафлар нечта лизинг обьектини етказиб беришга келишганлиги ва амалда етказиб берганлиги ҳолати, дастлабки лизинг олувчи

ва даъвогар томонидан амалга оширилган тўловлар миқдори ва муддати, ҳар икки лизинг шартномаси асосида лизинг обьектини етказиб бериш муддатларига аниқлик киритиб, моддий ҳамда процессуал қонун нормаларига риоя этган ҳолда асослантирилган қонуний қарор қабул қилиш лозимлиги тўғрисида кўрсатмалар берилган.

## **2. Битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво бўйича ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида суд битимнинг барча тарафлари ва бошқа манфаатдор шахсларни ишга жалб қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.**

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Даъвогар — Р. (чет эл фуқароси) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар — М. ва Ш. ҳамда учинчи шахслар — Давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бошқармаси, "С." масъулияти чекланган жамияти (бундан бўён матнда масъулияти чекланган жамияти деб юритилади), "АБ." масъулияти чекланган жамияти ва "ВГ." масъулияти чекланган жамиятияга нисбатан масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2018 йил 27 июндаги умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни, ҳақиқий эмаслик оқибатини қўллаб, фуқаро

Р. билан Ш. ўртасида 2018 йил 28 июнда тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш, масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2019 йил 26 апрелдаги умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан жавобгарнинг низо бўйича иш юритишни тўхтатиш, даъво талабининг 2018 йил 27 июндаги ҳамда 2019 йил 26 апрелдаги қарорларни ҳақиқий эмас, деб топиш қисмлари бўйича даъво муддатини қўллаш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилган.

Даъвогарнинг даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилиб, масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2018 йил 27 июндаги қарори ҳақиқий эмас, деб топилган ва ушбу қарорнинг ҳақиқий эмаслиги

оқибати қўлланиб, фуқаро Р. билан Ш. ўртасида 2018 йил 28 июнда тузилган олди-сотди шартномаси ва масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2019 йил 26 апрелдаги умумий йиғилиш қарори ҳақиқий эмас, деб топилган.

Мазкур ҳолатда иш биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаси бузилган ҳолда мазмунан кўриб чиқилиб, ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида"ги 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори 5-бандига кўра, битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво бўйича ишни судда кўришга тайёрлаш

пайтида суд битимнинг барча тарафлари ва бошқа манфаатдор шахсларни ишга жалб қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Шунингдек, Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 17-бандида акциядорлик жамиятининг бошқарув органларининг (умумий йиғилиш, кузатув кенгashi, ижроия органи) қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъволар бўйича жавобгар бўлиб ушбу бошқарув органлари эмас, балки акциядорлик жамиятининг ўзи ҳисобланади.

Даъво аризасида жавобгар сифатида муайян бошқарув органи кўрсатилганлиги, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёхуд Иқтисодий процессуал кодексининг 45-моддасида белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда жавобгарни алмаштириш учун асос бўлиши, масъулияти

чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг бошқарув органлари қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида берилган даъво аризаларини иш юритишга қабул қилиш масаласи ҳам худди шу тартибда ҳал этилиши белгиланган.

Бироқ биринчи инстанция суди томонидан ишни мазмунан ҳал этишда процессуал қонун талблари ҳамда Пленум қарорининг раҳбарий тушунтиришлари инобатга олинмаган, ишга "С." масъулияти чекланган жамиятини жавобгар сифатида жалб этиш масаласини муҳокама қилмасдан, балки учинчи шахс сифатида жалб қилиш билан чекланган, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш орқали корхоннанинг манфаатларига бевосита таъсир қилувчи қарор қабул қилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 274-моддаси учинчи қисмига кўра, апелляция инстанцияси судида: ишларни бирлаш-

тириш тўғрисидаги; даъвонинг предметини ёки асосини, даъво талбларининг миқдорини ўзgartирish ҳақидаги; қарши даъво тақдим этиш; ишда иштирок этиш учун учинчи шахсларни жалб этиш тўғрисидаги қоидалари, шунингдек, ушбу кодексда фақат биринчи инстанция судида ишни кўриш учун белгиланган бошқа қоидалар кўлланилмайди.

Иқтисодий процессуал кодексининг 279-моддаси тўртинчи қисми 4-бандига кўра, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, кассация инстанцияси судлов ҳайъати апелляция шикоятини қисман қаноатлантириш ва ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

## II. Моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

**1. Банкротлик тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ суд бошқарувчиси банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлашга доир ҳаракатларни амалга ошириши ва чора-тадбирлар кўриши ҳамда улар ҳақида кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт.**

Қарздорнинг аризасига кўра, банкротлик тўғрисида иқтисодий суд томонидан иш қўзғатишнинг барча ҳолатларида сохта

банкротлик аломатлари ни аниқлаш суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади ҳамда кузатув тартиботи жараё-

нида рўёбга чиқарилади.

"А." масъулияти чекланган жамияти (бундан бўён матнда аризачи деб юритилади) тугатиш бош-

қарувчисининг "БС." масъулияти чекланган жамиятини (бундан бўён матнда қарздор деб юритилади) банкрот деб тошиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги аризаси туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган ва "БС." масъулияти чекланган жамияти банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан вилоят прокуратурасининг апелляция протести қаноатлантирилиб, туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган ва аризани рад қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Шунингдек, судлов ҳайъати томонидан "А." масъулияти чекланган жамиятининг муваққат бошқарувчisi Н., "БС." масъулияти чекланган жамиятининг муваққат бошқарувчisi Т.нинг хатти-харакатларида қонунбузарлик аломатлари мавжудлигини текшириш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаб, ушбу ҳолатлар юзасидан хусусий ажрим чиқарилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, 2021 йил 8 январда "А." масъулияти чекланган жамияти тугатиш бошқарувчisi Н. ва муваққат бошқарувчи С. томонидан "БС." масъулияти чекланган жамияти

кредиторларининг йифилиши ўтказилиб, йифилишда муваққат бошқарувчининг ҳисоботи, қарздорнинг молиявий хўжалик аҳволи таҳлили натижалари, қарздорга банкротлик тамойилининг бирини қўллаш масаласи, суд бошқарувчисининг номзоди ва иш ҳақи миқдорини белгилаш каби масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

"Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг (бундан бўён матнда қонун деб юритилади) 67-моддаси биринчи қисмига кўра, муваққат бошқарувчи: қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш чораларини кўриши; қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиши; қарздорнинг кредиторларини аниқлаши, кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши, қарздорга нисбатан кузатув жорий этилгани ҳақида кредиторларни хабардор қилиши; кредиторнинг талабига кўра, қарздорнинг молиявий аҳволи ва (ёки) ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўн кунлик муддатда тақдим этиши; кредиторларнинг биринчи йифилишини чақириши ва ўтказishi шарт.

Ушбу модданинг учинчи қисмига кўра, муваққат бошқарувчи кузатув тугагандан кейин, лекин иқтисодий суд мажлисининг белгиланган санасига камида беш кун қолганда иқтисодий судга ўз фао-

лияти ҳақидаги ҳисоботни, қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги таклифларни, кредиторларнинг биринчи йифилиши баённомасини ушбу қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмига кўра, банкротлик таомиллари қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфатларини ушбу қонунга мувофиқ тузиладиган кредиторлар йифилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қиласди.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, ҳамма кредиторлар номидан қарздорга нисбатан барча ҳаракатлар кредиторлар йифилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Мазкур модданинг еттинчи қисмига асосан кредиторлар йифилиши, башарти унда қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорида талаблар билдираётган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлар ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кредиторлар йифилишда ўз вакиллари орқали ҳам иштирок этиши мумкин. Кворум мавжуд бўлмаган тақдирда,

ўн кунлик муддат ичидаги кредиторларнинг тақрорий йиғилиши чақирилади, башарти йиғилишни ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, тақрорий йиғилиш ҳозир бўлган кредиторларнинг сонидан қатъи назар, ваколатли ҳисобланади.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг кредиторлар талаблари реестри юритилиб, унда кредитор талаблари:

1-навбатда: иш ҳақидан — 26 198,4 минг сўм;

2-навбатда: — "А." масъулияти чекланган жамиятидан 1 343 631,2 минг сўм;

- "К." масъулияти чекланган жамиятидан 352 818,4 минг сўм;

- туман ЭТКдан 2 877,6 минг сўм;

- КТАС мажмуасидан 224 000,0 минг сўм — жами 1 923 327,2 минг сўм эканлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорида 4-1001-2019/13011-сонли иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорига асосланиб, "А." масъулияти чекланган жамиятининг муддати ўтган асосий қарзи 1 189 613 422,4 сўмни ташкил этиши кўрсатилган.

Ваҳоланки, 4-1001-2019/13011-сонли иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори банкротлик иши бўйича биринчи инстанция суди

ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар кассация инстанция судининг 2021 йил 28 январдаги қарорига асосан ўзгартирилиб, 479 000 000 сўм асосий қарздорлик ундирилган.

Апелляция инстанцияси суди қарздорлик суммаси ҳал қилув қарорида нотўғри кўрсатилганлиги, шунингдек, муваққат бошқарувчи томонидан қонун билан белгиланган мажбуриятларни, яъни қарздорнинг молиявий аҳволини, шу жумладан, қарздорнинг мол-мулки бўлса, шу мол-мулкни инвентаризация қилиш натижаларини молиявий таҳлил қилиш, мулк ҳукуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклифлар ўрганилмаган ҳолда ҳал қилув қарори қабул қилинишидан бир ой олдинроқ, яъни 2021 йил 8 январда кредиторлар йиғилишини ўтказиб, корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги хуло-сага келган ва муваққат бошқарувчи 2021 йил 12 январда корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги хуло-сасини судга тақдим қилганлиги, шунингдек, биринчи инстанция судининг 2020 йил 19 ноябрдаги ажримида С. муваққат бошқарувчи номзодлигига кредитор томонидан кўрсатилган номзод сифатида қайд этилган ҳамда тайинланган бўлса-да, ишдаги мавжуд ҳужжатларда

муваққат бошқарувчилигига тайинланган С.ни муваққат бошқарувчилигига тайинлаш тўғрисидаги аризачининг ариза, илтимоснома ёки хати мавжуд эмаслиги каби ҳолатларни асос қилиб, бу ҳолатда биринчи инстанция суди томонидан қонуннинг 65-моддаси талаби бузилган ҳолда муваққат бошқарувчиси тайинланган деб ҳисоблаб, асосли равишда ҳал қилув қарорини бекор қилишни лозим топган.

Апелляция инстанцияси суди аризачи ўз аризасида қарздорнинг 1 189 613 422,4 сўм қарзи мавжудлиги ва ушбу қарзни қарздор тўлай олмаслиги важи билан қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатиб, уни банкрот деб топишни сўраганлиги, қарздор суд қарорига асосан вужудга келган қарздорликни тўлиқ бажарганлиги, аслида аризачининг қарздор олдида 2 743 000 000 сўм қарзи мавжудлиги, лекин аризачи тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздор олдида ги 2 743 000 000 сўмлик мажбуриятини бажармасдан ёки уни бажармаслик мақсадида қарздорни кредиторлар олдида пул ёки бошқа мажбуриятларини бажара олмаслиги тўғрисида ёлғон маълумот берган ҳолда уни банкрот деб эълон қилганлигини важ қилиб кўрсатган ва бу ҳолатни сохта банкротлик деб хулоса қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал

қилув қарорини бекор қилиб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишини ва ушбу ҳолат бўйича хусусий ажрим чиқаришни лозим топган.

Апелляция инстанцияси суди аризани рад қилишда қарздор аризачи олдидаги мажбуриятларини, яъни суд қарорига асосан вужудга келган қарзни тўлиқ бажарганинги қайд этган бўлсада, бироқ бу ҳолат ишдаги тегишли далиллар билан тасдиқланмаган.

Суд мажлисида қарздор вакиллари ҳам ўз тушунтиришида қарздорликни тўлиқ тўлаганликлари ва бугунги кунда қарз мавжуд эмаслигини билдирган бўлса-да, иш ҳужжатларига қарздор томонидан 4-1001-2007/11758-сонли иш бўйича 20 000 000 сўм тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида 2021 йил 5 февралдаги тўлов квитанцияси, 4-1001-2019/13011-сонли иш бўйича 479 000 000 сўм тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида 2021 йил 29 мартағи 171-сонли ва 4-1001-2007/11758-сонли иш бўйича 69 613 422,40 сўм тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида 2021 йил 29 мартағи 172-сонли тўлов топшириқномалари тақдим этилган.

Бундан кўринадики, биринчи инстанция судининг 2021 йил 10 февралдаги ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар қарздор томонидан фикатгина 20 000 000 сўм тўлов амалга оширилган

бўлиб, 171 ва 172-сонли тўлов топшириқномалари эса, ҳал қилув қарори қабул қилингандан сўнг амалга оширилган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилингандан сўнг тўловлар амалга оширилганлигини инобатга олмай, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бузган ҳолда жавобгар томонидан амалга оширилган тўловларнинг тўлиқлиги ва қонунийлигини ўрганмаган ва қарз мажбурияти тўлиқ бажарилган деб барвақт тұхтамга келган.

Бундан ташқари аризачи даъво аризасида қарздорга нисбатан банкротлик иши қўзғатишни ҳамда уни банкрот деб тошини сўраган. Аслида аризачининг қарздор олдидаги 2 743 000 000 сўм қарзи мавжуд бўлган. Бироқ тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздорнинг 2 743 000 000 сўмлик мажбуриятини бажармасдан ёки уни бажармаслик мақсадида кредиторлар олдидаги пул ёки бошқа мажбуриятларини бажара олмаслиги тўғрисида ёлғон маълумот берган ҳамда шу асосда қарздор банкрот деб эълон қилинган. Апелляция инстанцияси суди бу ҳолатни сохта банкротлик деб баҳолаб, аризачининг тугатиш бошқарувчиси Н., қарздорнинг муваққат бошқарувчиси С. ҳамда тугатиш бошқарувчи Т.нинг

хатти-ҳаракатларида қонунбузарлик алматла-ри мавжудлигини текшириш зарур, деган холосага келган ва ушбу ҳолатлар юзасидан хусусий ажрим чиқаришни лозим топган.

Жиноят кодексининг 180-моддаси биринчи қисмига кўра, сохта банкротлик, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлиши тушунилади.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 13.3-бандига кўра, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд бошқарувчиси банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасдан банкротликка олиб келиш алматларини аниқлашга доир ҳаракатларни амалга ошириши ва чора-тадбирлар кўриши ҳамда улар ҳақида кредиторлар йигилишига, иқтисодий судга, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт.

Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 14 август-

даги 224-сонли қарори билан тасдиқланган "Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари ни аниқлаш Қоидалари"-нинг 9-бандига биноан, қарздорнинг аризасига кўра, банкротлик тўғрисида иқтисодий суд томонидан иш қўзғатишнинг барча ҳолатларида сохта банкротлик аломатларини аниқлаш суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади ҳамда кузатув тартиботи жараёнида рўёбга чиқарилади.

Шу муносабат билан судлар қарздорнинг аризаси бўйича банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган ва кузатув жорий этилганда, ажрим билан мұваққат бошқарувчига қарздорнинг сохта банкротлиги белгилари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хulosани судга тақдим этиш мажбуриятини юклаши лозим.

Мазкур ҳолатда эса, аризачи томонидан қарздорлик суммаси нотўғри кўрсатилиб, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида судга ариза тақдим

етилган. Шу асосда тугатиш бошқарувчиларининг хатти-ҳаракатларини текшириш зарур, деган хулосага келинган. Кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқламай, аризани рад қилиш тўғрисида барвақт тўхтамга келган, деб ҳисоблайди. Қолаверса, мұваққат бошқарувчи фаолиятида сохта банкротлик аломатлари аниқланмади. Бу эса, апелляция инстанцияси суди томонидан хусусий ажрим ҳам нотўғри чиқарилганидан далолатдир.

Қайд этилганларга асосан кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг қарори ва хусусий ажримини ҳамда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриб чиқиши учун биринчи инстанция судига юбориш, аризачининг кассация шикоятини қисман қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Мазкур ишни биринчи инстанция судида янги-

дан кўриб чиқишида:

- мұваққат бошқарувчи томонидан банкротлик иши бўйича кузатув таомилини давом эттириб, "Банкротлик тўғрисида" ги қонун талабидан келиб чиқиб, кузатув натижаси бўйича барча ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва ўрганиб чиқиш;

- кредиторлар реестридан келиб чиқиб, кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар тўғрисида қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда барча кредиторларни хабардор қилиб, кузатувга оид тегишли масалаларни ваколатли кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилишини назоратга олиш;

- қарздор томонидан амалга оширилган тўловлар ва қолдиқ қарз суммасига аниқлик киритиш;

- мұваққат бошқарувчининг хulosаси, ҳисоботи ва кредиторлар йиғилиши қароридан келиб чиқиб, навбатдаги банкротлик таомилини белгилаш ёки якуний суд ҳужжати қабул қилишни таъминлаш лозимлиги тўғрисида кўрсатмалар берилган.

## **2. Бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний равишда ушлаб қолиши, қайтариб беришдан бош тортиш, тўлашни бошқача тарзда кечикитириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш пул мажбуриятини бажармаганлик учун кўлланиладиган мулкий жавобгарлик ҳисобланади.**

Ишдаги ҳужжатларга кўра, "Н." масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона (бундан бўён матнда даъвогар деб юритилади) туманлараро иқтисодий су-

дига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "П." масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасидан (бундан бўён матнда жавобгар деб юритилади)

650 574 536 сўм асосий қарз, 297 842 477 сўм пена, 263 007 797 сўм банк фоизи — жами 1 211 424 810 сўм ундириб беришни сўраган.

Ўз навбатида, жавобгар

судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогар зиммасига етказиб берилмаган 56640 килограмм 596 822 965 сўм қийматдаги пахта чиқиндинини ўзаро хисоб-китоб қилиш мажбуриятини юклаш ва даъвогардан 2 300 000 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 650 574 536 сўм асосий қарз, 135 816 170 сўм пеня, 119 931 555 сўм банк фоизи ундирилган.

Қарши даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, даъвогардан жавобгар фойдасига 905 494 725 сўм пеня ундирилган. Даъво аризаси ва қарши даъво аризасининг қолган қисмларини қаноатлантириш рад этилган. Даъво аризаси ва қарши даъво аризасининг қаноатлантирилган талаблари ва тўланган суд харажатлари ўзаро хисоб-китоб қилиниб, жавобгардан даъвогар фойдасига 5 198 692 сўм ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан жавобгарнинг апелляция шикояти қисман қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарори бекор қилинган. Даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириш, жавобгардан даъвогар фойдасига 650 574 536 сўм асосий қарзни ундириш, даъво тала-

бининг қолган қисмини ва қарши даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган ўзаро хизмат кўрсатиш шартномасига мувофиқ, даъвогар жавобгар томонидан етказиб берилган пахта толасини (1 килоси 4000 сўмдан) қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ва чиқиндини шартномада белгиланган тартибда бериш, жавобгар эса, тайёр маҳсулот ва пахта чиқиндинини шартномада белгиланган тартибда қабул қилиб олиш ва хизмат ҳақини шартномага асосан белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олган.

Шунингдек, даъвогар ва жавобгар ўртасида тузилган шартномалар бўйича юзага келган низолар юзасидан вилоят иқтисодий судининг Х-сонли иш бўйича қабул қилган ҳал қилув қарори апелляция инстанцияси судининг қарорига асосан ўзгартирилиб, даъвогардан жавобгар фойдасига 102 855,64 килограмм NE32|1 калава ип, 49480 килограмм пахта чиқиндиши, 66 432,26 килограмм NE30|1 калава ип, 72013 килограмм пахта чиқиндинин натура шаклда ундириш ҳамда даъвогар фойдасига жавобгардан 1 564 408 058 сўм ундириш тўғрисида ижро варақалари берилган.

Даъвогар ижро варақа-

сида кўрсатилган жами 169 287,9 килограмм қалава ипни қайта ишлаб жавобгарга етказиб берган. Жавобгар эса, кўрсатилган хизмат ҳақини бартараф этмаганини оқибатида 650 574 536 сўм қарздорлик юзага келган. Мазкур қарздорликни ундириш юзасидан берилган талабнома ижросиз қолдирсан.

Мазкур ҳолатда даъвогарнинг жавобгардан 650 574 536 сўм кўрсатилган хизмат ҳақидан бўлган қарздорликни ундириш ҳақидаги талаби ишдаги ҳужжатлар билан ўз тасдифини топганлиги сабабли, даъвогарнинг ушбу талаби қаноатлантирилиши лозим.

Шартномаларнинг 2.1-бандида жавобгар ҳар бир юклangan партия маҳсулот учун олдиндан 15 фоиз тўловни амалга ошириши, тўловнинг қолган қисмини маҳсулот юклаб жўнатилгандан сўнг 30 кун ичидаги тўлаб бериши, 2.2-бандида бажарилган хизматлар учун хисоб-китоблар биринчи навбатда тайёр маҳсулот (пряжа)нинг навбатдаги партияси чиқарилгандан кейин хизматлар тўлиқ хисоб-китоб қилингунига қадар амалга оширилиши, жавобгар даъвогарга бажарилган хизматлар учун охирги тўловни маҳсулотни қайта ишлаш тўлиқ якунланганлиги тўғрисида хабардор этилган кундан бошлиб 5 кун давомида даъвогарнинг

ҳисоб рақамига пул ўтказиши йўли билан амалга ошириши белгиланган.

Даъвогар даъво аризасида жавобгардан 297 842 477 сўм пеня ундириши сўраган.

Фуқаролик кодексининг 263-моддасига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганинидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойкани тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Шартномаларнинг 5.2-бандида жавобгар даъвогарга кўрсатилган хизмат ҳақини белгиланган муддатда тўлашни кечиктирганда, ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлаши, пеня миқдори шартнома қийматининг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги лозимлиги белгиланган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 163-сонли қарори 4-бандида, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тараф-

ларнинг мулкий аҳволини, шунингдек, кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақлилиги, бироқ неустойканинг энг кам миқдори Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан пеня ҳисоблашнинг асослиги текширилмасдан, мажбуриятни бузиш оқибатларига номутаносиблиги ўрганиб чиқилмасдан, 135 816 170 сўм пеня ундириш тўғрисида нотўғри хulosaga келинган. Апелляция инстанцияси суди эса, жавобгар томонидан тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлик ҳолатини аниқлаган бўлса-да, даъвогарнинг жавобгардан пеня ундириш талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида барвақт хulosага келган.

Судлов ҳайъати иш ҳолатларини, пеня миқдорини ҳисоблашнинг асослилигини ўрганиб чиқиб, кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги ва кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, Фуқаролик кодексининг 326-моддасини қўллаган ҳолда, пеня миқдорини 200 000 000 сўмгача камайтиришни, даъвонинг 97 842 477 сўм пеня ундириш талабини қаноатлантиришни рад этишини лозим топган.

Бундан ташқари даъвогар даъво аризасида жавобгардан 263 007 797 сўм банк фоизи ундиришини ҳам сўраган.

Агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, қонунчиликда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиши, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш пул мажбуриятини бажармаганлик учун қўлланиладиган мулкий жавобгарлик ҳисобланади.

Мазкур моддада қарздорга пул тўлаш мажбуриятини юклаш кучига эга бўлган пул мажбуриятларини бажармаганлик ёки кечиктирганлик оқибатлари кўзда тутилганлигини инобатга олиб, ушбу моддада белгиланган қоидалар, агар улар пулдан тўлов воситаси, пуллик қарзни қоплаш воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаса, тарафлар ўртасидаги муносабатларга татбиқ қилинмайди.

Хусусан, пул белгиларидан пуллик қарзни қоплаш воситаси сифатида фойдаланилмайдиган (касса хизмати кўрсатиш шартномаси бўйича мижознинг банкка нақд пулни топшириш мажбурияти, пул белгиларини ташибидиган юк ташувчининг мажбурияти ва ҳ.к.), мажбуриятлар пул мажбуриятлари ҳисобланмайди.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорида берилган тушуниришларга мувофиқ, пул мажбурияти бўлиб, мажбурият бир бутун ҳолда (қарз шартномасида) бўлгани каби мажбуриятдаги тарафлардан бирининг товорларга (иш ёки хизматлар) ҳақ тўлаш мажбурияти ҳам бўлиши мумкин.

Судлов ҳайъати Пленум қарорида берилган тушуниришга асосланиб, жавобгардан апелляция инстанцияси судининг қарори юзасидан тўлов кечикирилганлиги учун пеня ундирилганлиги боис, биринчи инстанция суди жавобгардан даъвогар фойдасига 119 931 555 сўм банк фоизи ундириш тўғрисида нотўғри тўхтамга келган, деб ҳисоблаган. Апелляция инстанцияси суди эса, даъ-

вогарнинг жавобгардан банк фоизи ундириш талабини рад этиш асосларини хуқуқий асослаб бермаган, деган холосага келган.

Шу боис судлов ҳайъати ҳал қилув қарорининг жавобгардан даъвогар фойдасига 119 931 555 сўм банк фоизи ундириш тўғрисидаги қисмини бекор қилиб, даъвонинг 263 007 797 сўм банк фоизи ундириш тўғрисидаги талабини рад этишни, дастлабки даъво ариза бўйича жавобгардан даъвогар фойдасига 650 574 536 сўм асосий қарз ва 200 000 000 сўм пеня ундиришни лозим топган.

Жавобгар қарши даъво аризасида даъвогарга шартномалар бўйича пахта маҳсулотларини қайта ишлашда юзага келган 650 574 536 сўм қарздорликни суднинг 2019 йил 2 июлдаги ижро варақасида ундирилиши кўрсатилган 121 493 килограмм пахта чиқиндисидан етказиб берилмаган 56640 килограммини 596 822 965 сўмга ўзаро ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини юклашни, 169 286,79 килограмм калава ип маҳсулотини етказиши кечикирилганлиги учун 1 985 734 047 сўм, пахта чиқиндисини етказмаганлиги ва уни етказиши кечикирилганлиги учун 462 601 800 сўм, жами ҳисобланган пеня 2 448 335 847 сўмни ташкил этган бўлса-да, даъвогарнинг мулкий аҳволини инобатга олиб, ундан 2 300 000

000 сўм пеня ундиришини сўраган.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг қарши даъво аризасидаги апелляция инстанцияси судининг 2019 йил 2 июлдаги қарорига асосан ундирилиши кўрсатилган 121 493 килограмм пахта чиқиндисидан етказиб берилмаган 56 640 килограмми ни 596 822 965 сўмга ўзаро ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини юклаш ва пахта чиқиндисини ўз вақтида етказмаганлиги ва уни етказиши кечикирилганлиги учун 462 601 800 сўм пеня ундириш тўғрисидаги талабларини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

Чунки Бosh прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси шаҳар бўллимининг 2020 йил 9 октябрдаги хатида давлат ижро чинни томонидан 2019 йил 18 июлда даъвогарнинг омборида мавжуд бўлган 56339 килограмм пахта чиқиндиси хатланиб, жавобгарга таклиф этилганлиги, жавобгарнинг 2019 йил 27 сентябрдаги хатида пахта чиқиндисининг нави тўғри келмаганлиги сабабли уни олишдан боштортишини билдирганлиги, ижро ҳужжати "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддаси 5-бандига асосан давлат ижро чинининг "Ижро иши юритишни тамомлаш ва ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш тўғрисида"

2020 йил 2 октябрдаги қарорига асосан тамомланганлиги, мазкур ижро ҳужжати 2020 йил 8 октябрда қайта ижрога топширилганлиги маълум қилинган. Суднинг ижро ҳужжати ва шартномада пахта чиқиндисининг нави тўғрисида талаб белгиланмаган.

Шартномаларнинг 7.1-бандида шартнома тарафлар томонидан барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунига қадар амалда бўлиши белгиланган.

Қарши даъво аризасида пеня ундириш учун даъвогар томонидан суднинг ижро ҳужжатига асосан ундирилган 169 287,9 килограмм калава ип ўз вақтида етказиб берилмаганлиги асос сифатида кўрсатилиб, суднинг ижро ҳужжатига асосан ундирилган 169 287,9 килограмм калава ипни қайта ишлаб бериш нархи шартнома бўйича 650 574 536 сўмни ташкил этса-да, жавобгар 169 287,9 килограмм калава ипнинг қийматини 3 971 468 093 сўмда кўрсатиб, унинг 50 фоизи миқдорида, яъни 1 985 734 047 сўм пеня ҳисоблаган ва ушбу суммани даъвогардан ундириб беришни сўраган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси суднинг 2019 йил 2 июлдаги қарорида кўрсатилган 169 287,9 килограмм калава ип натура шаклида даъвогардан жавобгар фойдасига ундириш белгиланганлиги, даъвогар

томонидан ушбу суд ҳужжатининг ижроси ва тарафлар ўртасида тузилган шартнома мажбурияти ўз вақтида бажарилмаганлиги, ишдаги ҳужжатларга кўра, ушбу калава ип маҳсулотининг нархи 650 574 536 сўмни ташкил қилишини инобатга олиб, даъвогардан жавобгар фойдасига 200 000 000 сўм пеня ундиришни лозим топган.

Бироқ судлар ишдаги далилларга, хусусан, тарафлар ўртасида тузилган шартнома мажбуриятлари қанча муддатда ва тартибда бажарилганлигига тегишли ҳуқуқий баҳо бермасдан, моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри кўллаб, даъво талабини ва жавобгарнинг қарши даъво аризасини қисман қаноатлантириш, апелляция инстанцияси суди тарафлар ўртасида тузилган шартнома мажбуриятларини тарафлар томонидан қандай тартибда бажарилганлигига ҳуқуқий баҳо бермасдан даъвогарнинг даъво аризасини қисман қаноатлантириш, жавобгарнинг қарши даъво аризасини эса, қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида нотўғри хуло-сага келган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 185-моддаси учинчи қисмига муовофик дастлабки ва қарши даъволар тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд даъволоварни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундири-

лиши лозим бўлган суммани кўрсатиши керак.

Судлов ҳайъати қайд этилганларга кўра, жавобгар "П." масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонанинг кассация шикоятини қисман қаноатлантириш, туманлараро иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судлов ҳайъатининг қарорини бекор қилиш;

"П." масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонадан "Н." масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона фойдасига 650 574 536 сўм асосий қарз, 200 000 000 сўм пеня ундириш, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиш;

"П." масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонадан "Н." масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона фойдасига 200 000 000 сўм пеня ундириш, қарши даъво аризасининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиш;

Дастлабки ва қарши даъволарни ўзаро ҳисобга олиш натижасида "П." масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонадан "Н." масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона фойдасига 650 574 536 сўм асосий қарз ундириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.